

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**“Тасдиқлайман”**

Ўқув ишлари бўйича 1-проректор

**З.Жумабоев**

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2013 йил

«Гуманитар фанлар» кафедраси

**«ПЕДАГОГИК АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»**

**фанидан**

*(ўқув-услубий кўрсатма)*

Таълим йуналиши: 5140900 - Касбий таълим (5620200-Агрономия деҳқончилик  
маҳсулотлари бўйича ) йуналиши бакалавр академик даражасини олувчи  
талабалар учун

**АНДИЖОН- 2013- йил**

Ушбу услубий кўрсатмада «Умумий педагогика» фанидан талабаларни семинар машғулотлари учун мустақил ишлашга йўлловчи ва уни ўтказиш методикаси баён этилган.

Тузувчи:

п.ф.н. М.Исаков

Тақризчи:

п.ф.н. Н. Азимжонов

«Педагогика ва табиий фанлар» кафедрасининг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2013 йилдаги  
№\_\_ сонли йиғилиш баёнида тасдиқланган

## А

**Абсолют ва нисбий ҳақиқат** - билиш жараёнининг тараққиётини белгиловчи категориялар. Нисбий ҳақиқат ўсиб абсолют ҳақиқатга айланади.

**Абстракт тушунча** - нарса ва ҳодисаларнинг мавҳум белги, хусусият, сифат ва ўзаро муносабатларини акс эттирадиган тушунчалар.

**Абстракт тафаккур** - нарса ва ҳодисаларнинг бевосита идрок қилиш мумкин бўлмаган хусусиятлари, ўзаро муносабатлари, қонуниятлари ҳақидаги мавҳум тушунчалар асосида фикрлаш тури. Бунда мавҳум тушунчалар ҳосил қилинади.

**Автократлик** — ҳокимлик, қишининг буйруқбозлик, кўрсатмалар бериш ва жазолаш каби шаклларда бошқаларга (масалан, ўқитувчининг талабага) нодемократик усуллардан фойдаланган ҳолда таъсир этишга мойиллиги.

**Авторитет** — шахснинг бошқалар эътироф қилган обрўси, фазилати, бошқаларга нисбатан таъсири ва улар томонидан қадрланиши. Авторитет чин ёки сохта бўлади.

**Авторитар педагогика (авторитар педагогик технология)** - таълим- тарбия жараёнига раҳбарликда ўқитувчининг обрўсига асосланиш, унга ўқувчиларнинг кўр-кўрона, сўзсиз итоат этишлари. Бунда ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлашлари, шундай ҳаракатлар қилишлари чекланган бўлади.

**Авторитар услуб** - ўқитувчи одатда фақат ўзи гуруҳ фаолияти йўналишини белгилайди, Айрим ҳолларда бу ўқувчилар фаолиятини арзимас даражада чеклашга олиб келади. Мулоқот одатда "юқоридан-пастига" бўлади. Ўқувчилар билан алоқа қилишда танқидий танбеҳлар мақтовдан кўпроқ учрайди. Ўзаро ҳамкорликнинг асосий шакллари -буйруқ, кўрсатма, йўл-йўриқ ҳайфсан. Ўқитувчи йўқлигида иш секинлашади ёки умуман тўхтаб қолади. Ўқитувчи лўнда қилиб гапиради, катталарга хос оҳангга эга, эътирозларни қабулқилмайди.

**Агрессивлик** — душманлик, бошқаларга, атрофдагиларга зарар етказиш, тажовуз қилиш, ноқулайлик туғдириш мақсадини амалга оширувчи шахснинг хусусияти.

**Адаптив машғулот** — ўқувчининг ташқи муҳитга, жамоага, меҳнат вазифаларини бажара олишга мослашувини таъминлашга қаратилган машғулот.

**Академия-билим** ва йўналишларнинг муайян соҳаси бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади

**Академик лицейлар** - ўқувчиларнинг қизиқишларини ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Академик лицейлар, асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади. Академик лицейларда ҳар бир ўқувчи ўзи хоҳлаган мутахассислик бўйича ўқиши мумкин.

**Акмеология (акме)** - юнонча олий нукта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

**Аксиология** — кадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимот, аксиологик кадриятлар моҳияти.

**Аксиологик ёндошув** — инсонпарварлик педагогикасига хос бўлган хусусият, бунда инсон ижтимоий кадрият ва жамият ривожланишининг провард мақсади сифатида қаралади. Аксиологик тафаккур ўзаро алоқадаги ҳамда ўзаро ҳаракатдаги дунё концепсиясига асосланади.

**Алгоритм** — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгилайган тартибини (қоидасини) билдиради.

**Алгоритмлаш** — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари)нинг ўзаро жойлашувини ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлиги тартиби (қоидаси)ни белгилаш жараёни.

**Амалий машғулот** - термини педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. "Амалий машғулот" термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг лекциядан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характер билан намоён бўлишидир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар лекцияда илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда эса билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синаш учун ҳам хизмат қилади.

**Амалий машғулотлар** -ўқувчиларга умумий политехник таълим бериш ва меҳнат малакаси билан куролаштиришда асосий усул бўлиб хизмат қилади.

**Амалий тадқиқотлар** — педагогик жараённинг айрим жиҳатларини чуқур ўрганишга қаратилган ишлар, педагогик амалиёт қонунларини очиш.

**Аналогия** – ўхшатма.

**Анкеталаштириш** — анкета ёрдамида ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик педагогик ва бошқа тадқиқотлар учун дастлабки материалларни йиғиш жараёни.

**Антропология** — одамнинг биологик табиатини ҳар томонлама органувчи фан.

**Анъанавий (босма) ўқув адабиёти** - таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қоғозда чоп этиладиган манба

**Асотирлар** - ибтидоий инсонларнинг коинот, табиат ҳодисаларининг моҳияти, пайдо бўлиш сабабларини ўзларича изоҳлаш мақсадида яратган оғзаки ҳикояларидир. Инсоният тафаккурининг илк меваси сифатида асотирлар қадимги аждодларимизнинг атрофини ўраб олган борлиққа, турли-туман нарса ва ҳодисаларга, коинот ва ер ости дунёсига бўлган қарашлар тизимидан иборат.

Асотирлар кейинчалк инсон бадиий тафаккурининг ривожини, илм-фан тараққиёти туфайли, табиат ҳодисалари ва турли нарсаларнинг сир-асрорини тушуниб етишлари оқибатида афсона, ривоят каби жанрларга айланган.

Асотирлар ер юзидаги барча халқларда мавжуд, чунки барча халқлар ўз тараққиётининг илк босқичларида асотирлар орқали фикрлаш, дунёга асотирлар нигоҳи билан қараш босқичини босиб ўтганлар.

**Ассимиляция** — янги шароитда тайёр малака ва кўникмалардан жиддий ўзгаришсиз фойдаланиш.

**Ассоциация** - мантиқий боғлиқлик бўлиб, сезги, тасаввур, идрок иш ғоя ва бошқалар орасида ҳосил қилинувчи мантиқий алоқадир.

**Атама** — табиий тилдаги сўз ёки сўз бирикмалари (реал ёки абстракт нарсаларни ифодаловчи). Атаманинг у ёки бу контекстдаги маъноси тўғрисидаги масала доим муҳокама қилинади, чунки одатдаги тил кўп маъноли. Одатдаги тил кўп маъноли

бўлгани сабабли атаманинг ҳар бир ҳолатдаги қўлланилиши маъноси муҳокама қилиб борилади.

Бир фан ёки илмий назарияда атамалар битта маънода ишлатилади.

Атамалар назарий, эмпирик турларга ажратилади. Назарий атамалар тажриба билан асосланган, эмпирик атама эса тажриба орқали тасдиқланган хулосаларга тегишли бўлади.

**Аутоген машқлар** - методикаси: ўқувчилар фикрни жамлаш учун аутоген машқлар бажарадилар, яъни паст овоздаги сокин мусиқа ёрдамида ўқувчиларнинг хотиржам ҳолати таъминланади. Формуласи: Мен батамом хотиржамман". Классик мусиқа билан бир вақтда ўқитувчи турли интонацияларда таъсирчан, баланд, баъзан эса жуда паст овозда, лекин аниқ, тушунарли қилиб чет тилидаги матнни ўқиб, маъносини она тилида тушунтиради.

**Аутотренинг** - ўзини-ўзи ишонтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган махсус машқлар тўплами. Аутотренингдан шахснинг ўз руҳий ҳолати ва хулқини бошқаришда фойдаланилади.

**Ахборотли малака** — таълим ва тарбия масалаларига ахборотларни мослаштириш ва талқин қилиш малакаси.

**Ахлоқ** — шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қоидалари, у ижтимоий онг шаклларида бирийдир.

**Ахлоқ**- биринчидан, ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоидалар хатти-ҳаракатни тартибга солиш вазифасини бажаради. Жумладан, ахлоқ, адолат, саховат, ҳаловат, ҳалоллик, ростгўйлик каби тушунчаларни ўз ичига олади. У бизнинг кундалик ишларимизга ва онгимизга фаол таъсир кўрсатиб, жамият номидан яхшилик билан ёмонлик, зулм, адолат билан адоласизлик ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишларни, хатти-ҳаракатларни белгилаб беради.

**Ахлоқ**-Иккинчидан, ахлоқ ижтимоий фикр, онг билан жамиятда белгилаб қўйилган одамларнинг хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини, мажбуриятларни белгилаб беради. Ахлоқ одамларни жамиятдаги етук ахлоқий хулқ-атворининг намунаси бўлиб хизмат қилади. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Ахлоқ меъёр-лари хулқ-атворнинг бошқарувчиси сифатида одоб меъёрларига яқин туради. Ҳуқуқга зид хатти-ҳаракат ахлоқсиз ҳаракат деб қаралади.

**Ахлоқ**-Учинчидан, ахлоқ фалсафий категория бўлиб, ҳар бир шахс учун зарур бўлган ростгўйлик, камтарлик, ҳалоллик, олийжаноблик, меҳнатсеварлик, хушёрлик, инсонпарварлик каби фазилатларни шакллантиради.

**Ахлоқ**-Тўртинчидан, ахлоқ, ижтимоий қатламнинг, халқнинг маънавий қиёфаси, ғояси, руҳиятининг характерли хусусияти сифатида майдонга чиқади.

**Ақлий ҳаракатлар** — шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир.

**Ақлий ҳаракатлар(перцептив)**— яъни бўлар шундай ҳаракатларки, уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ҳодисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади.

**Ақлий ҳаракатлар (имажитив)** — («image» — образ сўзидан олинган) фаолият шундайки, у ижодий жараёнларда хаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва хаёлда тиклашни тақозо этади.

**Ақлий ҳаракатлар (мнемик фаолият)** — нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури.

**Ақлий ҳаракатлар (фикрлаш фаолияти)** — ақл, фаҳм-фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият

## **Б**

**Баён қилиш** — ўқитувчи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш методи.

**Бадий тарбия** деб шахсни санъат воситалари ёрдамида яъни санъат асарларининг мазмуни ва шаклини эстетик идрок этишни ривожлантиришга, санъатнинг маълум турида қатнашиш ва ижодий фаолият учун зарур бўлган бадий дид, ҳамда қобилиятларни шакллантиришга айтилади.

**Байналминаллик** - ахлоқ тамойили сифатида ватанпарварликни бойитади, ўз миллий қобилигига ўралиб қолишга йўл бермайди. Барча халқлар билан дўст бўлиб, тинчлик ва тараққиёт учун курашга чорлайди.

**Бакалавр, магистр** — олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.

**Бакалавриат(1)** — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим.

**Бакалавриат(2)** — мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим.

**Билим(1)** – одамларнинг ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида тўпланган, умумлашган тажрибасидир.

**Билим(2)** - борлиқни билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган нати- жаси. Обектив реалликнинг инсон онгида адекват акс эттирилиши (тасаввур, тушунча, мулоҳаза, назариялар). У кундалик, илмий, эмпирик, назарий билимларга ажрадади.

Кундалик билим соғлом фикрга ва кундалик амалий фаолият шакллари- га асосланади. Инсоннинг атроф-муҳитга мослашуви, унинг хатти- ҳаракатлари ва олдиндан кўра билиши учун асос бўлиб хизмат қилади. 1. **Илмий билим** — тизимли, асосли ва нарса, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб борадиган бўлади. У эмпирик ва назарий даражада бўлади. 2. **Эмпирик билим** - билишнинг кузатиш, ўлчаш, тажриба усуллари кўллаш натижаси. Нарса-ҳодисаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ифодалайди. Эмпирик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликларнинг мунтазам такрорланиши эмпирик қонунлар ёрдамида ифодаланади, улар, кўпинча, эҳтимоллик хусусиятига эга бўлади. 3. **Назарий билим** — эмпирик ҳолатларни тасвирлаш, тушунтириш. яъни нарса-ҳодисалар моҳиятини билиш имконини берадиган қонунларни очишни назарда тутати.

**Билимни баҳолаш ишончилиги** - педагогик ўлчовнинг аниқлик даражасидир. Агар қайта синовлар натижасида айнан бир хил натижалар қайд этилса, баҳолаш усули ишончли ҳисобланади.

**Билиш** — обектив борлиқнинг онгда акс этишининг олий шакли, ҳақиқий билимлар ҳосил қилиш жараёни. Билиш қуйидаги даражаларда бўлади: **Ҳиссий билиш** - сезгилар, идрок, тасаввур орқали.

**Билиш жараёнлари** — бу шундай психик жараёнларки, улар шахсга ўзини ўраб турган атроф-муҳитнинг маълум ва муҳим хусусиятларини англашга, тушунишга ва улар устида ўзига зарур хулосалар чиқариб, ўз хулқ-атворини режалаштиришга имкон беради.

**Билиш фаолияти** — идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги. **Рационал билиш** - тушунчалар, мулоҳазалар, ақлий хулосалардан ўтиб назарияларда ўрин олади.

Шу билан бирга, билиш — кундалик, бадиий, илмий бўлади. Илмий билиш табиатни ва жамиятни билишга ажралади.

**Биологик эҳтиёжлар** — бу — физиологик (ташналик, очлик, уйку), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

**Бирламчи модул** — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

**Блок** - билиш жараёнининг олдиндан белгиланган ривожланишини юзага келтирадиган информация парчаси ва ақлий ҳаракатлардир.

**Бошқариш** — ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият. Объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва яқун яшаш.

**Бурч** — муайян ахлоқий мажбуриятларни ҳис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

## **В**

**Вазифа** — мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

**Валидлик ёки баҳолаш усулининг ҳаққонийлиги** - ўлчаниши зарур бўлган нарса баҳоланилаётганини кўрсатади. Масалан, Москвадан Тошкентга учиб келган йўловчининг соати кўрсатаётган вақт соат миллари Тошкент вақтига ўзгартирилмаган бўлса, валид бўлмайди. Яна бир мисол: математика фанига доир назорат топшириғи матн тарзида берилган бўлиб, матн моҳиятини англашга катта эътибор берилган. Бундай ҳолда аниқ математик билимларгина эмас, балки матн мазмунини тушуниш текширилади. Агар баҳо валид бўлса, у, албатта, ишончли ва холисона бўлади.

**Вербал** — ифодали, оғзаки.

**Вербал** -сўзлар билан ифодаланадиган ахборотлар. Вербал мулоқот шакллари ҳар хил бўлиб, уларнинг асосийлари нутқ сўзлаш, маъруза, суҳбатлашиш, савол сўраш, саволга жавоб бериш, баҳс, мунозара, музокара, хабар бериш, кенгаш, маслаҳат, насиҳат, танбех, табрик, саломлашиш, хайрлашиш кабиларни ўз ичига олади. Бу жараёнда ўқувчилар диққатни жамлаш, тинглаш, эшитиш, англаш, тушуниш, идрок қилиш, мантиқий фикрлаш (таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш), хотирада сақлаш, қайта эслаш фаолиятлари билан банд бўладилар. Бунда ўқувчининг қизиқиши, ҳаваси, эҳтиёжи, манфаатдорлиги, қобилият, истеъдод, иқтидори унинг муваффақияти асоси бўлади.

Бу жараёнда ўқувчилар диққатни жамлаш, тинглаш, эшитиш, англаш, тушуниш, идрок қилиш, мантиқий фикрлаш (таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш), хотирада сақлаш, қайта эслаш фаолиятлари билан банд бўладилар.

**Вертикал педагогика** — юқори синф ўқувчиларининг қуйи синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишини ташкил қилиш шакли. Бунда ҳар бир ўқувчининг айрим фан

бўйича ўзидан бир синф юқорида ўқийдиган ўқувчилардан илмий раҳбари ва бир синф қуйида ўқийдиган ўқувчилардан оталиқдаги ўқувчиси бўлади.

Ўқувчиларга ўзларидан қуйи синф мавзусини такрорлаш, кейин қуйи синф ўқувчисидан синов олиш варақасини (саволлар, мисол ёки топшириқни) тайёрлаш топширилади. Синов ҳафтада бир марта ўтказилади. Синов жараёнида қуйи синф ўқувчиси мавзунини тўлиқ ўзлаштиргунича ўзаро мулоқот давом этади. Натижада ёмон баҳолар бўлмайди.

**Визуал (кўргазмали) воситалар** педагогик технология жараёнида ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвирлар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фотосуратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвирлар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар кирилади.

Кўргазмали воситапарнинг педагогик технологияда қўлланиши ўқувчиларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.

**Воситасиз талабнинг** бу шакли яна шуниси билан фойдалики, у болаларни муайян вазиятларда, айниқса қийинчиликларда ўқувчилар билан маслаҳатлашишга ўргатади. Ўз навбатида педагоглар ўзларига болалар маслаҳат учун мурожаат қилишини қадрлашинини, ўзаро алоқани кучайтиришга хизмат қилади.

## Г

**Гипнопедия.** Уйқуда ўқитиш (кўпроқ чет тилларни). Бу усул ҳаммага ҳам тўғри келмайди. Сабаби ҳар ким учун бу усул алоҳида чуқурликдаги уйқу даражасидагина самара беради. Зарур уйқу чуқурлиқига эришиш ва уни сақлаб туриш қийин.

**Гуруҳ**—маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир. Содда қилиб айтадиган бўлсак, гуруҳ — икки ва ундан ортиқ одамлар ўзаро муомала қиладиган ва бир-бирларига таъсир қиладиган уюшмадир. **1.Референт гуруҳ** - Ҳар бир шахс учун тараққиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гуруҳи бўладики, у уларнинг ниятлари, қизиқишлари, ҳаракат меъёрлари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, ҳаракатларидан андоза олади, уларга тақлид қилади. Бундай гуруҳ психологияда референт гуруҳ деб аталади. **2. Норматив гуруҳлар** — бу шахс учун шундай инсонлар гуруҳи, уларнинг меъёрларини у маъқуллайди, уларга амал қилишга ҳамиша тайёр бўлади. Бундай гуруҳларга биринчи навбатда оилани, диний ёки миллий уюшмаларни, профессионал гуруҳларни киритиш мумкин. **3. Қиёслаш гуруҳлари** — бу шундай гуруҳки, шахс ўша гуруҳга киришни, унинг маъқуллашига мухтож бўлмайди, лекин ўз ҳаракатларини йўлга солишда унга асосланади ва коррекция қилади. **4. Негатив гуруҳлар** — шундайки, шахс уларнинг хатти-ҳаракатларидан атайлаб воз кечади, чунки улар шахсий қарашлардан мутлоқ фарқ қилади. Масалан, икки қўшни бир-бири билан муросалари келишмаса, ҳаттоки, деворларини оқлашда ҳам бири танлаган рангни иккинчиси танламайди. Бири «оқ» деса, иккинчиси — аксинча, «қора» деб тураверади. **5. Агрегатция (оломон)** - масалан, агар одамлар кўчада тасодифий ҳодисани томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гуруҳ эмас, агрегатция (оломон) деб аташади.

**6. Бирламчи гуруҳ** – бу гуруҳда шахслараро ўзаро таъсир «юзма-юз, бевосита» рўй беради.. Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар

бирламчи гуруҳга мисолдир. **7. Иккиламчи гуруҳлар**- бу гуруҳларда ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиш имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тазимлар орқали мулоқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар, «Фидокорлар миллий демократик партияси» аъзоларининг боғлиқлиги иккиламчи гуруҳга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади, масалан, ўша партияни оладиган бўлсак, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, бари бир умумий ғоя атрофида бирлашишади, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади, сайлов олди кампанияларида бир-бирларини кўллаб-қувватлаб турадилар. **8. Расмий гуруҳдаги** муносабатлар расмий меъёрлар ва ҳуқуқ бурчлар тизими билан белгиланган бўлади. Масалан, гуруҳда бошлиқ билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни таъминловчи гуруҳ расмийдир.

**9.Норасмий гуруҳ** — ички, бевосита психологик муносабатларни таъминловчи гуруҳ ҳисобланади. Масалан, дўстлар гуруҳи, ёки талабалар гуруҳидаги барча қизларнинг танаффус пайтидаги мулоқот гуруҳи. **10. Диадани** - кўпчилик олимлар гуруҳининг бошланғич нуқтаси сифатида миқдор жиҳатдан икки кишини — диадани тан олишади. **11. Триада**- Поляк олими Ян Шепаньский бунга кўшилмасида (унинг фикрича гуруҳ камида уч киши — триададан бошланади).

Гуруҳнинг уюшганлиги ҳам динамик кўрсаткичлардан бўлиб, шу нуқтаи назардан ҳар бир гуруҳ бир-биридан фарқ қилади. Масалан, одамлар ҳамкорликда бажараётган ишнинг қизиқарли ва ҳамма учун манфаатли эканлиги, гуруҳ меъёрларининг аъзолар томонидан умуман олганда қабул қилиниши, кадриятлар тизимини тасаввур қилишдаги фикрлар мослиги уюшқоқликнинг мезонларидир.

**Гуруҳли таълим** — бир ўқитувчи бир неча ўқувчини ўқитадиган таълим шакли. Гуруҳлар ўқувчилар сонига қараб: кичик (3—6 ўқувчи), ўрта (7—15 ўқувчи), катта (15 дан ортиқ ўқувчи) гуруҳларга ажратилади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳдаги таълим олувчиларнинг ёшига, таълим йўналишига ва шу кабиларга қараб ҳам гуруҳларга ажратилади. Бу шаклни кўллаш жараёнида яқка таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

**Гуманизм** — 1) инсоннинг инсонга бўлган меҳри-муҳаббати, унинг шани, кадрини ҳурмат қилиш, киши манфаатлари учун қайғуриш ғоялари билан суғорилган ва кишилар ўртасидаги тенглик, ҳалоллик, инсоний муносабат тамойилларига асосланган дунёқараш;2) инсонийлик ва инсонпарварлик, инсонларнинг бунёдқориигига ишонч.

**Д**

**Диагностика** — педагогиканинг бўлими, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг касбий тайёрликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади.

**Дайжест** - илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, давлат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган даврий нашр.

**Дарс** - аниқ мақсадни кўзлаб белгиланган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотлардир. Дарс - ўз олдига қўйилган аниқ мақсад ва тугал мазмундан иборат.

**Дарснинг мақсади** - ўқитувчининг режалаштирган аниқ бир мавзусини ўқувчиларга билдириши ва ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни текшириб кўриш ҳамда янги мавзуга замин яратиш.

**Дарснинг мазмуни** - уни ўқитувчи томонидан режалаштирилган тугал маънога эга матн ташкил этади. Уни ўқувчилар онгига сингдириш жараёнида манба, хулоса ва ҳикоялардан фойдаланади.

**Дарслик** - давлат таълим стандарти, ўқув дастури услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукамал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр.

**Давлат рамзлари** муайян миллат, элат этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ҳамда мақсадини, ҳудудий, сиёсий, ижтимоий бирлик моҳиятини ажратишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажбурийдир.

**Давлат таълим стандарти** — узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассис)нинг тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.

**Дедукция** - лотинча deducto – хулоса чиқариш деган маънони англатади. Дастлаб формал мантиқда умумийликдан хусусийлик, айримлик томон муҳокама юритиш дедукция деб аталган.

**Дедуктив** - усулларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантиғини - умумийдан хусусийга ўқитиштишни танлашни англатади.

Дедуктив усул ўқув материални тезроқ ўқитиштишга ёрдам беради, тафаккурни бирмунча фаол ривожлантиради.

**Демократик услуб** - раҳбар жамоа фикрига таяниши орқали намоён бўлади. Ўқитувчи фаолият мақсадини ҳар бир ўқувчи онгига етказишга ҳаракат қилади. Бундай ўқитувчи мулоқотининг асосий усуллари илтимос, маслаҳат, информатция тарзида бўлади. **Диагностика** — педагогиканинг бўлими, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг касбий тайёрликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади.

**Диагностика** — педагогиканинг бўлими, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг касбий тайёрликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади.

**Диалог** — ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир.

**Дидактика (1)** - грекча сўз бўлиб, "дидаско", яъни «ўқитиш», «ўргатиш» маъноларини билдиради. Таълим қонуниятларини ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида таълим тушунчаси унинг моҳияти, мазмун ва вазифлари, ўқитиш принциплари, шакллари ҳақидаги билимлар баён этилади. Дидактика педагогиканинг «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва «қандай ўқитиш» каби саволларига жавоб излайди. **Дидактика (2)** — таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми. **Дидактика (3)** — педагогиканинг тармоғи. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**Дидактиканинг предмети**-таълим жараёни ва унинг қонуниятларидир. **Дидактика** - ёш авлодни «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва «қандай ўқитиш» каби саволларга жавоб беради.

**Диний дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти** шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки табиатдан ташқарида худонинг қудратига кўникиб ҳамма нарсада ва ҳар ерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўжизавий куч бор деб тушунтиради.

**Диққат** — онгнинг йўналганлигини тушунтирувчи психик жараёндр.

**Диққат (ихтиёрий)** - шахс онгининг бевосита ўзи учун аҳамиятли объектларга атайлаб жалб этиши.

**Диққат(беихтиёр)** - нарса ва ҳодисаларнинг мазмун ва моҳияти, жозибасига боғлиқ тарзда онгимизнинг маълум нарсаларга йўналганлигидир.

**Долзарблаштириш** — шахсдаги мавжуд билим, малака ва кўникмаларни турли ахлоқий шакллар ва ҳиссий ҳолатларни қайта ишлаб чиқиш ва уларни ботиний ҳолатдан зоҳирий ҳаракатларга айлантириш.

**Долзарбликни асослаш** — таълим ва тарбия назарияси ҳамда амалиётининг истиқболдаги тараққиёти муаммоларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда ҳал қилиш зарурлигини кўрсатиш.

**Дунёқараш** - шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ҳамда фикр-ўйлар тизими.

**Дунёқараш**-бизни ўраб олган борлиқ нима, у қандай ривожланган, табиатда инсон қандай ўрин тутди, унинг онги қандай пайдо бўлди ва камол топди жамиятнинг яралиш тарихи қандай, инсоният турмуш даражасини қандай қилиб яхшилаш мумкин ва шу каби масалаларга кишиларнинг турлича қарашлари, муносабатларидир.

**Е Ё**

**Ж**

**Жазолаш**-бу тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир. Жазо ўқувчининг ва бутун синф манфаати учун қўлланадиган охириги тарбия методи. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо: уриш, калтаклаш мумкин эмас, болани кўрқитиш,ғазаблантириш ҳам яхши натижа бермайди, ўқувчи кўрққанидан ёл фон гапиришга ўрганади, иккиюзламачи бўлиб қолади.

**Жисмоний жазо**-ўқувчидаги хулқий камчилик ёки бирон-бир ноахлоқий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Жисмоний жазога очлик эълон қилиш ҳам киради. Бизнинг мактабларимизда жисмоний жазо бекор қилинган.

**Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади** - ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни табиий соғлом ўсишини таъминлаш, уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, ватан мудофаасига тайёрлашдир.

**Жорий назорат** - бу ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини, шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаб бориш кўзда тутилади. Бу эса ўқувчининг узлуксиз билим олишини ва натижасини муттасил назорат қилиб боришни назарда тутди.

### 3

#### И

**Идрок этиш малакаси** — бошқа субъектнинг хусусиятларини — унинг мулоқоти ва мулоқотга ҳозирлигини аниқлаш учун зарур бўлган касбий -педагогик малака.

**Идеал** — олий мақсад, бирор нарсанинг намунаси, шахс, гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари, интилишлари интиҳоси.

**Ижтимоий идрок этиш** — кишилар томонидан ижтимоий объектларнинг идрок этилиши, тушунилиши ва баҳоланиши.

**Ижтимоий муҳит** - ижтимоий тузум, ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, ҳаётнириг моддий шарт-шароити, ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнлароқими характерини ўз ичига олади.

**Ижтимоий психологик муҳит** деганда, биз ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолатни тушунамиз.

**Ижтимоий установка** —барча психологик хусусиятлар комплексига эга инсоннинг турли ижтимоий вазиятлардаги фаолият ва ҳаракатларга руҳан ҳозирлиги ва муносабат билдириш услубидан келиб чиқадиган чуқур ички ҳолатидир.

**Ижтимоий эҳтиёжлар** — бу-меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

**Изоҳли луғат** - сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр

**Изоҳлаш, тушунтириш** — оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

**Изчиллик-бунга** асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, у ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билим ва малакалари замирида янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш ва аксинча, янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янада чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир.

**Илк маҳсул сабаб** - қанчалик кичик бўлмасин, албатта, алоҳида бўлган, бироқ бундан кейин уни маъносини йўқотмасдан туриб ташкил этувчи қисмларга бўлаклаб юбориш мумкин бўлмаган сабабни тушунамиз.

**Илмий дунёқараш** - тимоий-тарихий ҳодиса сифатида доим ворислик асосида ривожланади. Ўтмиш дунёқарашлари янги давр дунёқарашининг негизини ташкил этиб, уни керакли ҳаётбахш озуқа билан таъминлаб туради.

**Илмий муаммо (масала)** — фан орқали ҳал қилинадиган асосий зиддиятлар.

**Илмий янгилик** — муайян даврга нисбатан маълум бўлмаган ва педагогикага оид адабиётларда қайд қилинмаган назарий, амалий хулосалар. Таълим қонуниятлари, унинг тузилмаси, механизмлари мазмуни, тамойиллари ва технологиялари.

**Илтимос** - у педагоглар билан ўқувчилар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга асосланади ва умумий ишда уларни ҳамкорлигини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. илтимос қилиш муомаланинг бошқа турларидан шу билан фарқ қиладики, ишни боланинг ўзи батамом ўз хоҳишига қўйиб беради.

**Индивидуаллик** — шахснинг бетакрор биосоциологик хусусиятлари.

**Индукция** - лотинча сўздан олинган бўлиб, *inductio* – тўғрилаш, тартибга келтириш деган маънони англатади. Индукция айрим фикрлардан умумий хулосалар чиқаришда ва мантикий тадқиқотларда қўлланиладиган муҳокама усулидир.

**Индуктив** - усулларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантигини - хусусийдан умумийга ўқитиштишни танлашни англатади.

**Индуктив усуллар** техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Дедуктив усул ўқув материални тезроқ ўқитиштишга ёрдам беради, тафаккурни бирмунча фаол ривожлантиради.

**Инверсний таълим** — ағдариш, жойини алмаштириш; тафаккур тизи- мини шакллантириш йўналишидаги таълим.

**Инновация** — янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш, киритиш жараёни ва фаолияти.

**Институт-бир** билим соҳаси микёсида муайян ёналиш олий, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

**Инновация (инглизча *innovation*)** - янгилик киритиш, янгилик демакдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

**Интеграл** — чамбарчас боғлиқ, бутун, ягона; ўзи чексиз кичик қисмларининг йиғиндиси.

**Интерфаол** - («*Inter*» - бу ўзаро, «*act*» - ҳаракат қилмоқ) - ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари -билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади. **Интерфаол машғулот** — ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот; жараён ҳамкорликда кечади.

**Интеллект (1)** — шахснинг турли фаолият шакллари муваффақият билан ўзлаштиришини белгилайдиган туғма ва ўзлашма барча ақлий қобилиятлар мажмуи.

**Интеллект (2)** — инсоннинг умуман билиш фаолияти, фикрлаш қобилияти; тушуниш, мулоҳаза, тафаккур, ақл.

**Ирсий омил** - ота-оналардаги айрим сифат ва хусусиятларнинг болаларга ўтишидир.

**Иродаий сифатлар** — ҳар биримизнинг ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

**Ичиқоралик** — ўзгалар истеъдодини кўролмаслик ва уларнинг муваффақиятсизлигидан қувониш.

**Ички позиция (мавқе)** — шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ва йўналганлигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлар тизими.

**Истиқболни белгилаш малакаси** — ижтимоий билиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

**Ишонч ҳосил қилиш** — шахснинг муайян қоида ва талабларини онгли равишда ўзлаштириш воситасида тарбиялаш методи. Тегишии маълумотлар ва аргументларга асосланиб, шахснинг ўз ҳукми ҳамда хулосалари тоғрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

**Ишонтира олиш** — ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан холи, эркин равишда ўзлашишига эришишни кўзлаган руҳий таъсир этиш методи.

**Ишонч билан талаб қилиш** - энг кучли тарбиявий воситадир. У инсон фаолиятининг қудратли омилларини ҳаракатга келтиради: ўзининг бошқа кишилар учун фойдали эканлигини ҳис қилиш, ўртоқлари ишончини оқлаш истагини пайдо қилади. Кўпинча бу - анча мураккаб ва масъулиятли, баъзан эса фахрли топширик бўлади.

**Иқтисодий тарбия** ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу қабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтиришдир.

**Й**

**Йўл (русча — приём)** — бирор мақсадни амалга ошириш учун танланган ҳаракат тури.

**К**

**Калокагатия** — гўзаллик, олижаноблик ҳамда жисмоний ва маънавий бойликлар уйғунлиги.

**Касбий** — педагогик мулоқот — педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий - психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларни ташкил этиш ҳисобланади.

**Касбий тайёргарлик** — бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги.

**Касбий** — педагогик мулоқот — педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий - психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларни ташкил этиш ҳисобланади.

**Касбий билимдонлик** — педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

**Касбга йўналтириш**-ҳар бир шахснинг алоҳида фазилатларини мамлакат халқ хўжалигининг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, меҳнат бозорини тўлақонли таъминлаш заруратини ҳисобга олиб эркин ва мустақил касб танлашга тайёрлашга асосланган тизимидир.

**Касб-хунар** коллежлари эса ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

**Кибернетика методи.** Кибернетика грекча сўз бўлиб, ролни бошқараман, идора этаман, бошқариш санъати деган маънони англатади.

**Когнитив (1)** — билиш жараёни.

**Когнитив (2)** — атроф одам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференцияловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларини ривожлантириш таълими.

**Коллектив** — жамоа. Умумий мақсад йўлида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монанд турғун социал (ижтимоий) гуруҳ.

**Коммуникация** — кишиларнинг ўзаро мулоқотларида ахборотлар алмашиш тавсифи.

**Коммуникатив кўникма** — муомала қила олиш, педагогик техника малака ва кўникма тушунчаси.

**Коммуникатив фаолият** — педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ тарзда ўрнатган муносабатлари.

**Конструктив фаолият** — ўқитувчи фаолиятининг асослигини ва пухталигини ўзида конструктив мазмун (ўқув материалларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, педагогик жараённи режалаштириш ва ташкил этиш), конструктив — оператив (ўзининг ва талабанинг хатти-ҳаракатларини режалаштириш), конструктив — материал (педагогик жараённинг ўқув-материал базасини лойиҳалаштириш) ни бирлаштиради.

**Конвергент фикрлаш** - масаланинг ечими фақат битта бўлгандаги фикрлаш.

**Конфликт** — зид қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жиддий қаршилик, қизгин баҳс.

**Конформизм** — шахснинг гуруҳ ёки кўпчиликнинг таъсирига берилишини тушунтирувчи ҳодисадир. Ушбу ҳодисани экспериментал тарзда ўрганган олимлар уни айрим алоҳида олинган шахснинг гуруҳда қабул қилинган ҳаракат қоидаларига бўйсунити туфайли ўз хулқининг ўзгаришини изоҳловчи ҳолат, деб таърифлашган.

**Креативлик (1)** — креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради. Бетакрор кадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул қилувчи индивиднинг ботиний қобилияти.

**Креатив (2)** — тадқиқотчилик характериға эга; ўқувчиларда ижодий тафаккурни жадал (мақсадга йўналтирилган) равишда ривожлантириш таълими.

**Креативлилик ёки тафаккурнинг креатив тури** — шундайки, у гўёки йўқ жойдан бор қилади, яъни оддийгина, жўнгина нарсаларға бошқача, бировларникиға ўхшамаган тарзда фикрлашға имкон беради.

**Кузатиш** — бирор педагогик ҳодиса бўйича конкрет фактик материал олиш мақсадини кўзлаган идрок этишнинг шакли.

**Кичик модул** - педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувсиси бошқа кичик модулларға ажратиш мумкин эмас деб ҳисобланади.

**Кўникма (1)** — шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида уларнинг янги шароитдаги янгиликлар билан бирга, маълум бир фаолиятни самарали бажариш қобилияти.

**Кўникма (2)** — онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш. Шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатга айланиши мумкин.

Ҳаракат турлари бўйича уч турга: ҳаракат кўникмалари, сенсор кўникмалар, аклий кўникмаларга бўлинади. Кўникмалар мунтазам машқ қилиш (такрорлаш) орқали зарур даражада сақланади. Маълум вақт такрорламаслик кўникма даражасининг пасайишига олиб келади. Уни қайта машқлар бажариш орқали тикланади.

**Кўникмалар** - олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар ва шартларга биноан бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир. Кўникма ҳосил қилиш учун аклий ва жисмоний меҳнат қилиш усулларини билиб олиш, ҳосил қилинган билимларни амалда қўллай билиш керак бўлади.

**Кўрсатма** — эҳтиёжнинг мавжудлиги ва обектив вазият ҳамда уни қондириш билан боғлиқ равишда олдиндан шахсларнинг маълум фаоллигини тайёрлаш, уларни жойлаштириш.

## Л

**Лаборатория иши** — асбоб-ускуналар ва бошқа техник мосламалардан фойдаланган ҳолда талабалар билан тажрибалар ўтказиш, бирор ҳодисани махсус жиҳозлар ёрдамида ўрганиш.

**Латент** - яширин маъноли.

**Лекция (маъруза)** — 1) бирор фан мазмунини оғзаки баён қилишга асосланган ўқув жараёни, методи. 2) у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш. **Ахборотларнинг баён қилинишига** кўра лекциялар догматик, ахборот ва намоёиш қилиш ва муаммоли лекциялардан иборат бўлади. **Дидактик мақсадига (йўналганлигига)** кўра кириш ва тематик ҳамда умумий - якуний лекциялар фарқланади.

**Лекциялар курси** - фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги барча мавзулар-нинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ҳамда иборалар келтирилган нашр, лекциялар курсининг номи тегишли фан номи билан аталади.

**Лекциялар тўплами** - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.

**Лидер** гуруҳнинг шундай аъзосики, у гўёки барча гуруҳий жараёнларнинг бошида туради ва ўз хулқи билан ўзгаларга таъсир қила олади. **1. Авторитар лидер.**

Баъзан бу услубни «автократик» ҳам деб аташади. Чунки бундай лидер доимо ўз иродасига кўпчиликни бўйсундира олади. Барча масъулиятли қарорлар фақат у томонидан қабул қилинади ва унинг бажарилишини ўзи шахсан назорат қилади, керак бўлса, ходимларни қаттиқ жазолайди. Одамлар бундай лидердан борган сари узоқлашиб бораверадилар. **2. Демократик лидер.** У гуруҳ аъзоларидан фикрлар тўплайди Ташаббус кўрсатишлари учун барча шароитларни яратади. Демократ лидер гуруҳ олдига умумий масалани қўяди, ишнинг концепциясини белгилайди, лекин ишни қандай амалга ошириш йўлларини гуруҳнинг аъзолари ҳал қилишлари лозим.

**3. Либерал типли лидер.** Бундай шахс гуруҳга барча масъулиятни юклайди, улар ишни бажараётганда мувофиқлаштирувчи ролини ўйнайди, лекин қабул қилинган қарорларни тузатиш, уларни рад этиш ҳолатлари жуда кам учрайди.

**Либерал услуб-анархик, бепарво.** Ўқитувчи жамоа ҳаётига аралашмасликка ҳаракат қилади, фаоллик кўрсатмайди, бошқа, шу жумладан, қарама-қарши таъсирларга бўйсинади.

**Луғат** - аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи нашр.

## М

**Магистратура** — аниқ ихтисослик бойича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълим

**Маслаҳат** - бу ҳамма нарсани ипидан игнасиғача тасвирлаб берадиган йўл-йўриқ эмас, балки кўпинча ечимларни мустақил излашга ундашдан иборатдир.

**Махсус машқлар** - маданий хулқ, малака ва кўникмаларини ҳосил қилади ва мустаҳкамлайди. **Кун тартиби машқлари** - мактабда, оилада ўрнатиладиган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ ўз истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади.

**Мактабнинг ички бошқаруви** — юксак натижаларга эришиш мақсадида билишнинг обектив қонунлари асосида яхлит педагогик жараён қатнашчиларининг ўзаро мақсадли, онгли ҳаракатлари.

**Малака** — ўрганиш натижасида қўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган ҳаракат. Кўникмалар бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилиятларидир.

**Малака** -онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Малака қанчалик пухта бўлса, одам ишни шунчалик тез ва тўғри бажаради.

**Малака тавсифномаси** — ўқитувчининг назарий ва амалий билимларига қўйиладиган умумий талаблар.

**Математик ва статистик метод** — бу метод оғзаки сўров ва эксперимент натижаларига ишлов беришда, шунингдек, ўрганилаётган ҳодисалар орасидаги миқдорий алоқадорликни ўрнатишда қўлланилади.

**Маслаҳат** - бу ҳамма нарсани ипидан игнасиғача тасвираб берадиган йўл-йўриқ эмас, балки кўпинча ечимларни мустақил излашга ундашдан иборатдир.

**Мафкура** — жамоат ҳаётининг барча соҳалари учун умумий бўлган ғоя ва қарашлар тизими. **Мафкура** - муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

**Машқ** — ўзининг билимларини чуқурлаштириш ҳамда тегишли малака ва коникмалар ҳосил қилиш мақсадида ҳаракатларни оғзаки ва ёзма равишда такроран амалга ошириш.

**Машқ қилиш** - ўқувчининг ўз қобилиятлари, билим, ва кўникма малакаларини ўстиришга қаратилган ҳаракатлари.

**Маълумот** - таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир.

**Маълумотлар банки** - ахборот технологияларининг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режими тузилган, товуш ва рангли тасвираб билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм, ва хоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланила-диган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

**Маълумотлар тўплами** - фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган нашр. Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши лозим.

**Маълумот мазмуни** - ёшларнинг маълумоти, тараққиёти, тарбиясини мўлжаллаб, ҳозирги замон фани, техникаси, ишлаб чиқариши, фикрлашининг умумий асосларини дидактик ишлов бериш йўли билан танланган билимлар, кўникма-малакалар, ижодий фаолият тажрибаси ва муносабатлардир.

**Маъқуллаш** муайян ҳолатга болалар фаолиятининг кучли омилига айланади. Баъзан тарбияланувчи алоҳида мураккаб вазифаларни ҳал қилишда қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади, педагогнинг маъқуллаши дастлабки қадамлардаёқ унинг муваффақиятини таъминлагандай туюлади, ўз кучига ишонч уйғотиб, бундан кейинги интилишлар манбайи бўлиб хизмат қилади.

**Мақсад** — фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш. **Мақсад** шахс учун аҳамиятли бўлган предметлар, ҳодисалар, вазифалар ва объектларга етишиш билан характерлидир.

**Мақтов** — фойдали иш қилган шахс ёки, жамоани оғзаки тақдирлаш.

**Менежмент** — социал, шунингдек, таълим жараёнларини бошқариш тамойиллари, методлари, воситалари ва шакллари мажмуаси.

**Метод** - бирор ҳаракатни амалга ошириш йўли, усули ёки кўринишидан иборат.

**Метод деганда**, таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради. **Усул** — методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланади ва алоҳида қадам ҳисобланади.

**Метод** — 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

**Методика** — бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар.

**Методология** — 1) дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот; 2) бирор фанда, шу жумладан педагогикада қўлланиладиган методлар.

**Методик қўлланма** - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, кўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**Методик (услубий) кўрсатма** - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

**Мехнат** - инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий фойдали маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдир.

**Миллий истиқлол мафкураси**, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан баҳолайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

**Милиий ғоя** - инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

**Мифологик дунёқараш** -табиат кучларини жонлантириб худодлар, афсонавий қаҳрамонлар тарзида, бир хил буюмлар сифатини иккинчисига кўчириш, уларни ҳиссий образлар, алоҳида вужудлар шаклида тасвирлашга асосланади. **Мифология** - қадимги дунё халқларининг дунё, табиат ҳодисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳамда, худодлар ва қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятлари, афсоналари. Бу афсонада қадимий халқларнинг дунё ҳамда худодлар ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари акс этган бўлади.

**Мнемотехника** - (мнеме - грекча -хотира), яъни эслаб қолишни энгиллаштирувчи йўл, усуллар. Бу эслаб қолиш қийин бўлган маълумотларни сунъий ўхшашликлар топиб ёдлаш:қофия, ўхшашлик, ритм, оҳанг ёрдамида, мақоллар, шеърлар; сунъий сўз бирикмалари, тарихий саналар, географик номлар, грамматика қоидалари, формулаларни.

**Модул** — педагогик технологияни ташкил қилувчи, таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи „ғиштча“лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчаларлан фойдаланилади. Улар қуйидагича таърифланади:

**1. Кичик модул** — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас, деб ҳисобланади.

**2. Бирламчи модул** — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

**3. Модул тўплами** — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсадида битта модул сифатида қаралган бир нечта модуллар йиғиндиси.

**4. Модул даражаси** — педагогик технологияни тасвирлаш кўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлиги кўрсаткичи.

**Монолог** — маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи-талабалар қаршисига чиқиб нугқ сўзлаши, дарсни баён этишидир.

**Мотив** — кишининг маълум эҳтиёжларини қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни. **Мотивлар** - бу ички кучлар бўлиб, эҳтиёжлар билан боғланган ва у шахсни белгили фаолиятга ундайди. **Мотив** — аниқроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тугади.

**Мотивация** — одамни ўқишга ёки бирор ҳаракатни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси. Салбий мотив — бу мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчининг ўқишга нисбатан бепарқлиги ҳамма ҳаракатимизни йўққа чиқаради.

**Мотивация** — шахсни фаол хатти-ҳаракатларга ундовчи сабаблар, асослар тўплами бўлиб, у айни замонда киши хулқини физиологик ва психологик бошқаришнинг динамик жараёнини ҳам билдиради. У фаолиятнинг йўналиши, фаоллиги, уйғунлиги ҳамда турғунлигини белгилайди.

**Муаммоли ўқитиш** - ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.

**Муаммоли вазият** - ўқув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

**Мулоқот** — шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири — инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи

орқали (**вербал**-сўз орқали); ва нутқсиз воситалар (**новербал**) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукамал эгаллашга замин яратади.

**Мулоқотнинг етакчи типи** — ривожланишнинг маълум бир даврида атрофдаги кишилар билан муомалада етакчилик қиладиган мулоқот типи бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шаклланади.

**Муттасил** - ҳар томонлама.

**Муҳит** - бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар йиғиндиси.

**Мунозара** — 1) матбуотда, суҳбатда бирор баҳсли масалани муҳокама қилиш, баҳс; 2) муайян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим методи.

**Н**

**Назарий босқич** - тадқиқот объекти тўғрисидаги амалдаги ва истиқболдаги тасаввурлар ҳамда уларга бўлган талаб ўртасидаги зиддиятни енгиш.

**Назарий таҳлил** — педагогик ҳодисаларнинг алоҳида жиҳатлари, белгилари, хусусиятлари ўзига хослигини аниқлаш ва таҳлил этиш.

**Намуна** - слаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўртак бўлиш).

**Намуна** - ўқулар ўз атрофидаги кишиларда яхши ахлоқий сифатларни кўришлари, ўқитувчилари, ота-оналари, оиланинг катта ёшли аъзолари ва бошқаларнинг феъл-атвор, юриш-туришида болаларга етарли даражада намуна кўрсатишлари ниҳоятда муҳимдир.

**Новербал воситалар** - имо-ишора, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Новербал воситалар жиддий аҳамиятга эга бўлиб; уларнинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди. "Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга бўлиб, бу ҳаракатлар турли халқларда турлича тушунилади. Бу ҳаракатларни *новербал нутқ* деб номлаш қабул қилинган.

**Насихат қилиш** - ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, ташаккур билдириш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).

**О**

**Объект** — инсоннинг, субектнинг билиш предмети ва фаолияти.

**Одат** — кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб амалга оширадиган онгли фаолияти.

**Огоҳлантириш**-номаъкул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

**Оилавий тарбия** - ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида илмий дунёқараш асослари, ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига айланади.

**Омиллар** - ҳозирги педагогик атамашуносликда ўқиш жараёнининг бориши ва натижаларига таъсир кўрсатувчи сабабларни шундай деб аташ қабул қилинган.

**Оралиқ назорат** - бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш. Оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

**П**

**Педагог** — тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

**Педагогик аксиология** - (юнонча «аксиома» -« исботланмайдиган таълимот» маъносини англатади) деб номланиб, бунда педагогик янгиликлар ичидан энг самаралилари танлаб олинади.

**Педагогик неология** - (юнонча «нео» — «янги» ва «логос» — «таълим», яъни янгилик ҳақидаги таълимот) дейилиб, бунда педагогика соҳасида ҳар қандай янгиликлар ўрганилади, умумлаштирилади.

**Педагогик праксология** - (юнонча «пракс» -«ҳаракат» ва «логос»-«таълим», яъни «амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот» маъносини англатади) дейилади. Бунда танлаб олинган педагогик янгиликларни амалиётда қўллаш, муайян самарага эришиш масалалари тушунилади.

**Педагогика** — ёш авлод таълим ва тарбияси ҳақидаги фан.

**Педагогика фанининг субъекти(обекти)** - асосан талаба (ўқувчилар)дир, **предмети** - талаба (ўқувчи)ларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.

**Педагогика фанининг методологияси** - жаҳон ва шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини мужассамлаштирган манбалар, тасаввуф таълимоти намоёндаларининг бадиий ва илмий асарлари, шарқона таълим-тарбия воситалари ҳамда методларини ўз ичига олган манбалар, миллий истиқлол ғояси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», диалектик билиш назарияси ва табиий илмий мажмуи эътироф этилади.

**Педагогика фанлар тизими** - педагогика фанининг тадқиқ қилиш объекти, ва у ўрганадиган соҳалари йилдан-йилга ортиб, кенгайиб ва ривожланиб бормоқда. Натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гуруҳларга ажралмоқда ва мустақил соҳа сифатида ўрганилмоқда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Педагогика фанини улкан катта дарахтга қиёслаш мумкин. Ҳар бир фан ўз ривожланишида, ўз назарияларини бойитади, ўзининг ички амалий йўналашларига таяниб такомиллашиб боради. Ҳозирги вақтда педагогика фани ўз фанлари тизимига эга. Улар:

1. **Умумий педагогика** (инсонга, шахсга таълим - тарбия, маълумот бериш шакли, мазмуни, усуллари ва уларни шакллантиришнинг, тарбиялашнинг умумий қонуниятларини тадқиқ қилади ва амалиётда қўллашга ўргатадиган);
2. **Ёшлар педагогикаси** (турли ёшдаги кишиларга таълим тарбия бериш, шахсни шакллантиришнинг ўзига хос томонларини ўрганади);
3. **Мактаб педагогикаси** (мактаб ёшдаги ўқувчилар таълим тарбия соҳасининг ўзига хос томонларини ўрганади);
4. **Мактабгача тарбия педагогикаси** (мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш, тарбиялашнинг ўзига хос томонларини);
5. **Педагогика тарихи** (турли тарихий даврларда мактаблар таълим тарбияси, педагогик ғояларнинг мазмуни, ривожланиш масалаларини);
6. **Махсус педагогика** (Дефектология) бу ҳам қуйидаги гуруҳларга бўлинади: кар-соқов болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан **сурдопедагогика**; кўзи кўр ва хира кўрадиган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масаласи билан **тилопедагогика**; ахлоқан жиҳатдан қолоқ болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан **олигофреннопедагогика**; дудуқ ва тили ясси болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан эса **логопедия** шуғулланади;

7. **Методика** (таълимнинг умумий қонуниятларини муайян предметларидан (яъни она тили, адабиёт, тарих, физика, химия, математика, жисмоний тарбия) дарс беришда қўллашнинг ўзига хос хусусиятларни, усулларини тадқиқи қилувчи соҳаси);
8. **Оила педагогикаси** (оила муҳити, аъзолари, шароити, таълим тарбиясининг умумий масалаларини);
9. **Касб педагогикаси** (ишлаб чиқариш), (турли касбларнинг ўрганишнинг умумий масалаларини);
10. **Қиёсий педагогика** (Ғояларни таққослаб хулоса чиқариш масалалари);
11. **Халқ педагогикаси** (мазкур халқи таълим тарбияси, мактаби, ижтимоий турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, ахлоқ одоби сингариларни);
12. **Ижтимоий педагогика** (барча ёшдаги фуқароларни тарбиялашнинг замаънавий имкониятлари, воситалари ва манбаларини);
13. **Тиббиёт педагогикаси;**
14. **Ҳарбий педагогика;**
15. **Раҳбарлик педагогикаси;**
16. **Меҳнат педагогикаси сингари тармоқлари мавжуд.**

**Педагогикада антропологик ёндашув** — одам тўғрисидаги барча фанлар маълумотларидан мунтазам фойдаланиш ва педагогик жараёни ташкил этиш ҳамда амалга оширишда уларни ҳисобга олиш.

**Педагогик жараён** — таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

**Педагогик жараён тамойиллари** — педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиқ беради.

**Педагогик ихтисослик** — таълим натижаси ўлароқ билим, кўникма ва малакалар мажмуидан иборат бир касбий гуруҳ доирасидаги фаолият тури.

**Педагогик ихтисослашиш** — педагогик ихтисослик доирасидаги фаолиятнинг бир тури.

**Педагогик маҳорат** — У педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), ҳамда педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтезидир.

**Педагогик маҳорат** - бу ўқув жараёнининг барча шакллари энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, талабаларда (ўқувчиларда) дунёқараш, қобилиятни шакллантириш, уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишдир.

**Педагогнинг коммуникатив маданияти** - педагогнинг кишилар билан қисқа муддатда мулоқот ўрната олиши ҳамда улар билан мулоқот ўрнатишга бўлган доимий интилиши.

**Проектив малака** — малаканинг махсус тури бўлиб, кутилган педагогик натижаларни конкрет таълим ва тарбия режаларида акс эттиради.

**Педагогик малака** — муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси.

**Педагогик мақсадлар таксономияси** - грекча-тартиб билан жойлаштириш тизими.

**Педагогик масала** — педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлиқ тафаккур қилинадиган педагогик вазият ҳамда таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадни кўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазият ҳисобланади.

**Педагогик мулоқот** — таълим олувчиларнинг мақсадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этишнинг кўп қиррали жараёни.

**Педагог нуқтаи назари (позицияси)** — педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараёнга бўлган интеллектуал ва ҳиссий муносабати.

**Педагогиканинг назарий вазифаси** — илғор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

**Педагогика предмети** — махсус институтларда (оила, таълим ва тарбия, маданият муассасалари) мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган реал, яхлит педагогик жараён.

**Педагогик такт** — болалар фаолиятининг турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови ҳамда ўқувчилар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

**Педагогик техника** — 1) ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишда самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар мажмуаси; 2) ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар. **Педагогик технология** — 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизими; 2) таълим ва тарбия методларининг у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизими; 3) педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва қатий илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат; 4) таълим шакллари оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методи.

**Педагогик тизим** - шахсни ривожлантириш ва яхлит педагогик жараённи бирлаштирган таълимнинг ўзаро боғланган ташкилий тузилмаси.

**Педагогиканинг технологик вазифаси** — диагностик сатҳ - педагогик ҳодисалар ҳолатини аниқлаш; башорат қилиш сатҳи — педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеликни яратиш моделларини ўрнатиш; лойиҳа сатҳи- педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмуни ва характери асосида уларга мувофиқ методик материаллар (ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиш; яратувчилик сатҳи - педагогик фан ютуқларини такомиллаштириш ва қайта режалаштириш мақсадида таълим амалиётига татбиқ этиш; рефлексив тузатма (корректировка) сатҳи - илмий тадқиқотлар натижаларининг таълим ва тарбия амалиётига сингиб кетишини баҳолаш.

**Педагогик талаб.** Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим методларидан биридир. Талаб турли вазифаларни бажариши, ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалаш, бирор-бир фаолиятда бажарилиши зарур бўлган аниқ вазифа сифатида

ёки турли кўрсатма сифатида намоён бўлиши, муайян ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

**Педагогик талаб**-тарбия жараёнида бошланғич усул бўлиб, тарбияланувчининг муайян фаолиятини рағбатлантиришни ёки тўхтатишни ва аниқ амалий ҳамда инсоний сифатларни намоён қилишни таъминлайди.

Педагогнинг талаблари **воситасиз талаблар** бўлиши мумкин, бунда тарбиячи улардан муайян ҳаракатларга эришишни кутади.

Педагогнинг талаблари **воситали талаблар** бўлади, бунда ўқитувчи ўз талаблари билан болаларда ўз дўстларига нисбатан навбатдаги талабларни келтириб чиқаради.

**Педагогик технология** - бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқувчи (талаба)ларга ўқитиш воситалари ёрдамида муайян шароитларда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

**Педагогик технологиянинг уч сатҳи** - умумпедагогик, хусусий методик, локал (модул). **Умумпедагогик технология** яхлит таълим жараёнини ифода қилади.

**Хусусий методик технология** бир фан доирасидаги ўқув -тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади. **Локал (модул) технология** ўқув тарбия жараёнининг махсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишни ифода қилади. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

**Педагогик технология** - таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир(ЮНЕСКО ташкилоти маъқуллаган таъриф буйича).

**Педагогик технология марказларининг ташкил этилиши** -АҚШда - 1971-йил Коммуникация ва технология Ассоциацияси ташкил топди. 1961-йилдан «Педагогик технология» журнали, 1971-йилдан аудио визуал таълим, аудиовизуалли коммуникация баёни номли журналлар чоп этила бошланди.

Англияда - 1967-йил Педагогик технология миллий кенгаши ташкил топди. 1964-йилдан «Педагогик технология ва дастурли таълим» 1970-йилдан «Педагогик технология» номли журнал чоп этила бошлади.

Японияда - 1965-йил умумяпон Педагогик технология марказий кенгаши ташкил этилди. 1965-йилдан «Педагогик технология», Педагогик технология тадқиқотлари бўйича журнал чоп этила бошлади.

Италияда - 1971-йил Педагогик технология миллий маркази ташкил этилди ва шу йилдан «Педагогик технология» номли журнал чоп этила бошлади.

Венгрияда - 1973-йил ўқитиш технологияси давлат маркази ташкил этилди.

Собиқ иттифокда — 1965-йил мактаб жихозлари ва ўқитишнинг техника воситалари илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида - 1997-йилда таълим муаммолари институти ташкил этилиб, узлуксиз таълим тизимига янги педагогик технологиялар жорий қилина бошланди.

**Педагогик фаолият** — таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

**Педагогик ҳаққонийлик** — ўқитувчининг объективлик мезони ва унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

**Педагогик ўйин** — билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

**Педалогия** - собиқ Иттифоқ даврида тестларга асосланган фан.

**Персептив билиш фаолияти** — бу фаолиятнинг шундай намунасики, унда предмет, воқеа. ҳодиса ва улар ҳақидаги айрим маълумотлар белгилари ва мазмуни оғзаки ва ёзма нутқ воситасида акс эттирилади. Персептив фаолият сезгидан бошланади ва тасаввурларни ифодалаш билан яқинланади.

**Политехника таълими** - ўқувчиларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариш асослари, унинг энергетикаси ҳақидаги билимлар системаси билан таъминлайди ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги иш операцияларини ўзлаштириб олиш учун база аҳамиятига эга бўлган бир қатор меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллаш назарда тутилади.

**Прескрептив** — меъёрий.

**Продуктив билиш фаолияти** — у фаолиятнинг шундай намунасики, унда турли тоифадаги ижодий вазифалар ҳал қилиншга қаратилган. Пиодуктив билиш турларидан бири — эвристик фаолиятдир. Эвристик фаолият талабаларнинг мустақил ишлари билан бирга амалга оширилади.

**Продуктив ёки ижодий тафаккур** — фикрлаш элементларига янгилик, ноёблик, қайтарилмаслик қўшилгандаги тафаккурни назарда тутати.

**Продуктив ўқув жараёнида** - ўқувчи эгаллаган билим ва малакалари асосида ўқув дарсликларида берилган малумотларга нисбатан кенгроқ, янгироқ маълумотларга эга бўлади. Продуктив даражадаги ўқув жараёнида мантиқий фикрлаш асосида эгалланган билимлар қайта ишланади, такомиллаштирилади, янги шароитларда ўрганилади. Билим эгаллашнинг продуктив даражаси ўқувчига мустақил равишда воқеалар ҳамда предметлар ўртасидаги муносабатлар, алоқалар ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради, маълум қоидаларни қўллаб, масалаларни ечиш алгоритминини тузишга ёрдам беради (В.П. Беспалко, 1989).

**26. Блок** - билиш жараёнининг олдиндан белгиланган ривожланишининг юзага келтирадиган информатция парчаси ва ақлий ҳаракатлардир.

**Психология** - 1) шахснинг объектив борлиқни фаол акс эттириш жараёнининг ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган психик жараёнлар тўплами; 3) психика, характер хусусияти ва кўнгил хазинаси.

**Психомотор нотинчлик-безовталиқ.**

**Р**

**Рағбатлантириш турлари** – 1. Ўқувчининг кучи етадиган, масъулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш; бунда ўқувчи ўз кадр-қиммати билан фахрланади; 2. Мақташ (ота-оналар, болалар жамоаси олдида); 3. Эсдалик совғаси (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар); 4. Мақтов ёрлиғи бериш; 5. Стипендия билан тақдирлаш; 6. Ҳурмат тахтасига фотосуратни қўйиш; 7. Маъсулият ва жамоанинг миннатдорчилиги; 8. Сафда биринчи ўринда туриш; 9. Мусобақаларда байроқ кўтариш; 10. Газета-журнал ва радио-телевиденияда эълон бериш.

**Ранжираш** (муайян тартиб)- аҳамияти, муҳимлиги, мазмуни даражасига қараб тартиблаш.

**Рационализация** - методларни ёки бирор иш ҳаракатни такомиллаштириш.

**Рейтинг** - баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг ёрдамида психологик объектларни, улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёрқин даражасига қараб (эксперт баҳолаш) дастлабки классификациялаш амалга оширилади. **Рейтинг** - (инглизча) баҳо, индивидуал коэффитцийент деган маънони англатади.

**Релаксация** - кучли ҳаяжон ва жисмоний зўриқишдан сўнг енгил тортиш ҳамда тинчланишнинг умумий ҳолати.

**Репродуктив усул**-таълимнинг репродуктив усулида қуйидаги аломатлар алоҳида ажралиб туради:

-ўқитувчи билимларни "тайёр" ҳолда фақат баён қилиш билан чекланмасдан, уларни тушунтиради ҳам;

-ўқувчилар билимларни тушуниб, ўзлаштирадилар.

-Ўзлаштиришнинг мезони - олган билимларни тўғри тиклаш (репродукция)дир;

-ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги информацияни кўп марта қайтариш йўли орқали таъминланади.

**Репродуктив ўзлаштириш** - маълум тартиб асосида, маълум шароитдаги хатти-ҳаракатлардир(репродуктив жараёнда маълумотлар, қоидалар, алгоритмлар турли бирикмалар сифатида қайта эсга олинади, бунда материални айнан ўзгаришсиз такрорлаш ёки эркин равишда сўзлаб бериш мумкин.).

**Репродуктив билиш фаолияти** — бу фаолият билимларни амалий ва ижодий фаолиятда пировард натижада қайта ишлаб чиқиш билан боғлангандир. Билиш фаолиятининг бу намунаси билмларни ўзлаштириш, уларни ижодий ишда қўллаш ва ўқув фаолиятининг турли усулларини эгаллашни қамраб олади.

**Репродуктив фикрлаш**— кўрган-билган нарсамизни айнан қандай бўлса, шундайлигича, ўзгаришсиз қайтариш ва шу асосда фикрлашга асосланади.

**Ретроспектив** — ўтмишга мурожат этиш.

**Рефлексия** (лотинча Reflxió - ортга қайтиш ) - субектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни

**Рефлексия** — такрорлаш, акс эттириш, ўз ҳаракатлари ва ҳолатларини таҳлил қилиш. **Рефлексия** ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. ВАСластенин).

**Рефлексия** – ўқитувчи навбатдаги машғулотда ўз тафаккурини тасаввур этиши.

**Рефлексив малака** - педагогга нисбатан қўлланадиган назорат - баҳолаш фаолияти.

**Ривожланиш** - бола вазнининг ошиши, суюк ва мускул тизимининг, жинсий таносил аъзоларининг, нерв-функционал фаолиятининг камол топиши, ақл-заковатини шаклланишига айтилади.

**Ривожлантирувчи (мантикий) мақсад**-таҳсил олувчилар қандай мантикий операциялар ва ақлий фаолият усулларини ўзлаштиришлари ҳамда унинг ривожлантирувчи натижаларини кўзда тутуди.

**Ривожланишнинг эҳтимоллик назарияси** — шахс психикаси ривожланишининг ҳар бир даврини тасодифий фактлар йиғиндисига кўра

белгилашга асосланган назария бўлиб, у аввалги ривожланиш давридаги эришилган сатҳга нисбатангина боғлиқ болади.

**Ригид** - кўп ҳолатларда сиқик қотиб қолган.

**Рол ижро этиш** — қатнашувчиларнинг якка ва гуруҳ бўлиб турли ролларда саҳнага чиқиши, образга кириши.

**Рухий педагогик тайёргарлик** — педагогиканинг методологик асослари ва категорияларини, шахснинг ижтимоийлашуви ва тараққиёти қонуниятларини ҳамда таълим ва тарбиянинг моҳияти, мақсади ва технологияларини билиш.

**С**

**Сардор** — гуруҳ аъзоларига лозим бўлган вазиятларда сезилари таъсир ўтказа оладиган шу гуруҳнинг аъзоси.

**Синтез-ўзлаштирилган алоҳида-алоҳида материални умумлаштириб** яхлит янги тузилма ҳосил қилишни кўзда тутади.

**Синф деганда** - ёши ва билим даражаси бир хил бўлган ўқувчилар гуруҳи тушунилади.

**Социометрия** - ижтимоий психологияда психологик муҳитни экспериментал тарзда ўрганишга катта эътибор берилади. Энг кенг тарқалган усуллардан бири социометрия бўлиб, унинг асосчиси америкалик олим Жон Морено ҳисобланади. Социометрия латинча «so cietas» — жамият, ва «metreo» — ўлчайман сўзларидан олинган бўлиб, гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўлчашга қаратилган техникадир.

**Суггестия** — таъсир кўрсатиш ишонтириш, мулоқот шаклида ўқувчи (суггеренд) таъсир кўрсатувчи, ишонтирувчи (ўқитувчи суггестор)нинг айтганларини пассив, ихтиёрсиз, ўйламасдан ўзлаштиради ва унинг топшириқларини мотивлар курашисиз бажаради. **Суггестия** — ўқитириш, тўла ишонч ҳосил қилиш.

**Суггестопедия** - асосчиси болгариялик врач Лозанов. Бу таълим жараёни бир одам (ўқитувчи)нинг бошқаси (ўқувчи)га психик таъсир кўрсатишидан иборат. Бу усул чет тилларини жадал ўргатишда қўлланилади. Лекин бошқа фанларда ҳам қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

Лейпциг университети мнемология лабораториясида чет тиллари сифатида инглиз, рус тилларида 30 кунда 3200 лексик бирлик, кунига 120—140 лексик бирлик ўргатилади. Бу бошқа жадал ўқитишларга нисбатан 3 марта ортиқ.

**Суҳбат** - ўқувчи шахсини ғоявий ва ахлоқий шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли метод ҳисобланади. Суҳбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч уйғотишнинг суҳбат мазмунига бўлган муносабатларини ва суҳбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим. **Суҳбат** жонли, оммавий, ишонарли бўлиши катта аҳамиятга эга. Суҳбат методи сифатида ўқувчиларнинг ҳаёти, фан ва техника, этика-эстетика ва бошқа соҳалардаги тасаввур ва тушунчалари доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Суҳбат самарасини ўқувчиларнинг ижобий ёки салбий жавобларига қараб билиш мумкин. **Суҳбат** — кузатув чоғида етарли даражада аниқ бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган тадқиқот методи.

**Т**

**Тадқиқот объекти** — зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга қаратилган илмий таҳлилга муҳтож объект.

**Тадқиқот предмети** — бевосита ўрганилиши лозим бўлган ва амалий ёки назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган объектнинг моҳияти, хусусияти.

**Тазйиқ ўтказиш** — уялтириш, айбдорлик ҳисси билан кўнгли чўкканларнинг фикри, ҳиссиёти, интилиши ва майлини уларнинг онгидан халос қилиш.

**Такаббур** — ўз манфаатларини юқори кўювчи, манман шахс.

**Такт** — мисли кўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.

**Таксономия** ўрганилаётган объектнинг табиий алоқалари асосида тузиладиган кўп поғонали жойлаштиришдир.

Педагогикада америкалик олим Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси энг кўп тарқалган ҳисобланади. Бу таксономия қуйидаги тартибга эга:

**1. Билиш**-ўрганилаётган материални хотирада сақлаб қолиш ва қайта хотирлашни кўзда тутати. Бунда талаба ўзлаштирган материал мазмун моҳиятини англамайди.

**2. Тушуниш**-ўрганилаётган материални моҳияти англонади, хулоса чиқариш имконияти мавжуд бўлади. Тушуниш даражасининг кўрсаткичи сифатида материал моҳиятини изоҳлаб бериш, бошқа материаллар билан алоқадорлигини кўрсатиш кабилардан фойдаланилади.

**3. Қўллаш**-ўзлаштирилган далиллар, тушунча, билим ва иш усулларини амалиётга татбиқ этиш қобилияти.

**4. Таҳлил қилиш**-ўзлаштирилган яхлит ўқув материални қисмларга ажратиш, бу қисмларнинг даража ва ўзаро нисбатланни ўргатиш, қайтадан яхлитлик ҳосил қилишни кўзда тутати.

**5. Синтез**-ўзлаштирилган алоҳида-алоҳида материални умумлаштириб яхлит янги тузилма ҳосил қилишни кўзда тутати.

**6. Баҳолаш**-белгиланган мақсадларни эгалланган натижалар билан қиёслаш орқали амалга оширилганлиги сабабли энг юқори даража ҳисобланади. Ўқув мақсадларини белгилашда таҳсил олувчи талаба ўзини қандай ҳолатда тутиши лозимлиги **ифодаловчи сўз (фeъл)** ишлатиш зарурки, у мақсадни аниқ тушунилишини таъмин этсин. Бунинг учун ўз навбатида ҳар бир мавзуга оид таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш керак бўлади.

**Талқин қилиш** — бирор ҳодиса ёки нарсани изоҳлаш, тушунтириш.

**Танбeҳ бeриш** энг енгил жазо чорасидир. Ўқитувчи болага юзма-юз туриб танбeҳ бeради, буни кундалигига eзиб қўйиш мумкин.

**Танқидий фикрлаш** - ўқиш - предмети эмас, балки ўқитиш натижасидир. Бу ғояларни ва уларнинг аҳамиятини ҳам кўпфирклилик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ҳамда уларни бошқа ғоялар билан таққослашдир. Бу фикрлашнинг энг юқори даражаси ақлий фаолият бўлиб, унда таҳлил, таққослаш, изоҳлаш, қўллаш, тортишув, янгилик, муаммоларини ҳал қилиш ёки фикрлаш жараёнини баҳолашга алоҳида эътибор бeрилади.

**Танқидий фикрлаш** - (И. Г. Агапов -2001й.)нинг айтишича, танқидий фикрлаш ўқувчиларда матн билан ишлаш малакасини ривожлантириш, оғзаки ва ёзма нутқнинг барча кўринишларини эгаллаш, муайян матн бўйича тенгдошлари билан фикр алмашув (мулоқот малакалари, гуруҳ билан ишлаш малакалари)га йўналтирилган педагогик технологиядир.

**Тарбия** - ўсиб келаётган авлодларда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот ва дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва масъулиятни жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди.

**Тарбия** - тарбиячи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчига синдириш учун тарбияланувчининг руҳиятига муайян суратда маълум бир мақсадга қарата ва мунтазам суратда таъсир қилишдир.

**Тарбия** - ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама ўстириш, унинг онги ва хулқ-атворини таркиб топтириш жараёнидир.

**Тарбия**-ақлли, одобли, меҳнатсевар, билимли, соғлом, эътиқодли, дили пок, ҳар томонлама маънавий ривожланган, ватанпарвар, байналминал, инсонпарвар баркамол шахсни шакллантиришни кўзда тутди. Тарбия маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, миллий анъаналар ва минтақалараро хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

**Тарбия** — 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

**Тарбиявий мақсад**-тахсил олувчи шахсида қандай сифат ва фазилатлар таркиб топиши зарурлигини белгилайди.

**Тарбиянинг асосий мақсади** - ҳар томонлама маънавий ривожланган, ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва методлари шу мақсадга эришишни кўзда тутди.

**Тарбия** - маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

**Тарбия воситалари**-бирон-бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ тарзда ҳал қилиш учун қўлланади. Яна ўқувчилар жалб қилинган фаолият турлари ҳам тарбия воситаси бўлиши мумкин. Кинофилмлар, санъат асарлари, ўқитувчининг жонли сўзи, болалар ўйини, меҳнат, спорт, бадиий ҳаваскорлик, ижтимоий ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари ҳисобланади.

**Тарбияни демократиялаш**-бу маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан шахснинг эҳтиёж ва қизиқишларини юқори қўйиш, демакдир. Бу тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир.

**Тарбия методи** - тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари дир. Шахсни шакллантириш мақсадида, боланинг онги, ҳис-туйғулари, иродаси, хулқ-атвори ва муносабатлари тизимида таъсир кўрсатиш учун тарбия методлари ишлатилади.

**Таълим** - махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билиш қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир

**Таълим** — 1) шахснинг жисмоний ва маънавий шаклланишининг ягона жараёни, социал эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд қилинган ҳамда тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли ёналтирилган

ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш ғоявий-ахлоқий кадр, малака, кўникма, ахлоқ меъёрларига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустақил тизим.

**Таълим** - инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ўқувчилар ижтимоий тараққиётининг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

**Таълим жараёни** - маълумот мазмуни ҳамда унга оид фаолият усулларини ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг реал алоқалашуви, сабабиятли боғланиши, бир-бирига мувофиқлашуви асосида таълимнинг актлар, звенолар, цикллار шаклида макон ва замонда ҳаракатланади-ган мақсадга мувофиқ ширкат фаолиятидир.

**Таълим мазмуни** - инсоният тўплаган барча ижтимоий тажрибалар киради. Унинг мазмуни, ҳажми, ижтимоий тузумнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан-техника тараққиёти даражаси билан белгиланади.

Таълимнинг мазмуни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизимидир.

**Таълимнинг вазифаси** - ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантириш.

**Таълимий мақсад**-таҳсил олувчилар билими, кўникмаси ва малакасида қандай (ўсиш) юксалиш бўлишини кўзда тутаяди. **Таълимнинг мақсади** - мустақил жамиятимизнинг равнақига назарий ва амалий ҳисса қўша оладиган "баркамол авлод"ни тарбиялаш. **Таълимий мақсад**-таҳсил олувчилар билими, кўникмаси ва малакасида қандай (ўсиш) юксалиш бўлишини кўзда тутаяди.

**Таълимнинг маданий инсонпарварлик вазифаси** - У кишининг ҳаёт тўсиқларини енгишга ёрдам берадиган маънавий кучи, қобилияти, малакалари, табиат ва ижтимоий ҳаётга мослашиш вазиятидаги характери, маънавий масъулиятининг шаклланиши, шахсининг, касбий тақомили ҳамда шахсининг ўзи томонидан амалга оширилишини таъминловчи имкониятлари қабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, у яна шахсининг интеллектуал ва ахлоқий эркинликка, шахсий мухториятга ҳамда бахтига эришиш учун зарур бўлган воситалар ва шахсининг индивидуал ижодий тараққий этиши борасидаги маънавий имкониятларининг очилиши учун шароитлар яратиши қабиларни ҳам назарда тутаяди.

**Таълимни ташкил этиш шакллари** - аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчилар ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида таълимни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган.

**Таълим технологияси**-педагогик технологиянинг илмий аспекти белгилаш учун ишлатилади. Бу техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни ўз олдига таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули.

**Таълим турлари** — соқратча суҳбат методи, анъанавий таълим, изоҳли-намунали (иллюстратив) таълим, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, таълимни алгоритмлаш жараёни, дифференциацияли, индивидуал таълим ва бошқалар.

**Тафаккур** — У инсон ақлий фаолиятининг олий шакли бўлиб, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёнидир. Шунингдек, у яна муҳим ҳаётий жараёнларни ҳис қилиш ва муаммоларни ҳал

қилиш, маълум бўлмаган воқеа ҳодисаларни қидириш ҳамда, келажакни кўра олиш дегани ҳамдир. Тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

**Тақлид қилиш** — бирор ҳаракат, қилиқ, аҳд, фикр ва ҳиссиётни такрорлаш, айнан ўзлаштириш.

**Темперамент** — шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал-ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.

**Темперамент** — инсоннинг турли вазиятларда нарса, ҳодиса, ҳолатлар ва инсонларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуидир.

**Темперамент** — 1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган турғун индивидуал хусусиятларининг қонуний муносабатлари; 2) шахснинг динамик хусусиятлари: интенсивлик, тезлик, темп, психик жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

**Тенг қийматли** –эквивалент.

**Тест**-аниқ вазифани такомиллашганлиги даражасини аниқлашда, сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини қизиқтирувчи бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов куроли тушунилади. **Тест** -инглизча синов.

**Тест** — 1) стандарт шаклдаги топшириқлар бўлиб, ақлий тараққиёт, қобилият, билим ва малакани аниқлаш мақсадида ўтказиладиган синовдир; 2) аниқ социологик тадқиқотларда фойдаланиладиган тарқатма материал, саволнома; 3) шахс руҳияти ва хулқининг аниқ миқдорий ва маълум сифат баҳоларини олдиндан берилган баъзи стандарт - тест меъёрлари билан қиёсий ўрганишга мўлжалланган психологик тадқиқотларнинг стандартлаштирилган методи.

**Тестдан ўтказиш** - таълим олувчининг билим ва малакаларини, психик ривожланиши ва ижтимоий тажрибасини аниқлаш учун саволлар тизимининг қўйилишидир. 1. **Дивергент** - кўп вариантли (фикрлашга ўргатади. М: Бир неча тўғри жавобни топиш лозим бўлган тест топшириқлари). 2. **Очиқ турдаги тест топшинқлари**(тўлдириш учун) - тўғри жавобни топиш эҳтимоли бўлмайди чунки жавоблар берилмайди. 3. **Иккита жавобли ёпиқ тест тошпириқлари** - тўғри жавобни топиш эҳтимоли юқори (0,50) ва билимни баҳолаш аниқлиги паст. 4. **Тўғри давомийликни аниқлашга доир тест топшинқлари** - алгоритмик билимларни баҳолаш имконини беради; ҳисоб-китоблар, операциялар, хатти-ҳаракатларнинг тўғри давомилигини аниқлашга доир билимларни синовдан ўтказди.

**Технология** — ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, хусусияти, шаклини ўзгартириш методлари топлами.

**Технологик жараён** - ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов беришнинг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларнинг йиғиндиси.

**Технологик операция** - ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган, якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

**Технологик режим** - технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операцияларнинг вақти, шартларини белгилайди.

**Технологик харита** - маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш технологик операцияларини кетма-кетлигини баён қилувчи техник ҳужжат.

**Тизим** - 1) яхлит таълимни, унинг бирлигини белгиловчи бир-бири билан қонуний боғлиқ аксарият унсурлар (предметлар, ходисалар, қарашлар, билимлар ва бошқалар); 2) қисмларнинг маълум бир боғланишларда, ҳаракатларнинг ўта изчилликда режали, тоғри жойлашиш тартиби.

**Тизимлилик**-таълим қоидаси сифатида қуйидаги белгиларга эга эканлигини таъкидланади: тартибга солинганлик, ташкилийлик, яхлитлик, режалилик, давомийлик, ворисийлик, истиқболга йўналганлик

**Топширик** - Ўқувчиларнинг меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умумишга сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис этишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш болани характери ва иродасини ўстиради.

**Тренинг** - маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренерлар томонидан (раҳбарлигида) ўтказиладиган машғулотларга айтилади.

**Тренер** - маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренинг машғулотларини олиб бориш (раҳбарлик қилиш) учун махсус тайёргарликка эга мутахассисни айтилади.

**Туртки (стимул)** - шахс психикаси мотивларининг шаклланишини таъминловчи ташқи таъсир.

**Тушунча** - атроф-муҳитдаги ходисалар, предметларнинг муҳим хусусиятларини, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни билиш.

**Тушунчалар** — тафаккурнинг шундай шаклики, унда нарса ва ходисаларга хос бўлган энг умумий ва характерли хусусиятларни ўзида акс эттиради. Улар умумий ва жузъий, аниқ ёки мавҳум бўлиши мумкин. Масалан, «онг» тушунчасини оладиган бўлсак, унинг энг муҳим ва бошқа тушунчалардан фарқ қиладиган жиҳатларини ажратишимиз керак: фақат инсонга хослик, олий даражадаги акс эттириш, оламни билиш механизми эканлиги ва ҳоказо.

**Тушуниш** - ахборотнинг маъно-мазмунини идрок қилиш, ундан кўрсатилган тартибда мустақил фойдалана олиш.

**Тушунтириш** - ўргатиш, одатлантириш, машқ қилдириш.

**Тушунтириш** - ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш тартибини турли восита ва усулларни қўллаб, тушунтирувчининг ўзи тушунган даражада бошқаларга етказиш фаолиятдан иборат жараён.

## У

**Узлуксиз таълим тизими ва турлари** - Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражадаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги турларини ўз ичига олади: Мактабгача таълим; Умумий ўрта таълим; Ўрта махсус, касб-хунар таълими; Олий таълим; Олий ўқув юртидан кейинги таълим; Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; Мактабдан ташқари таълим;

**Умуминсонийлик**-бу барча инсонга хос бўлган, унинг маданий ва миллий кўп қирралигидир, яъни, турли миллат вакилларига ҳурмат, турли динлар ва бошқа

маданиятларни ўзига хослигини тан олиш, кадриятларни ҳурматлашни назарда тутди.

**Умумий таълим** - бу ўқувчиларнинг ҳар томонлама умумий тайёргарлигини ва ривожланишини таъминловчи фан асосларини эгаллаб олишдир.

**Университет** - билим соҳалари ва йўналишларининг кенг тармоқлари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади

**Услуб**- ўқитувчи ўқувчиларга иш бўлиб беришдан олдин у парталар ва полни қандай қилиб артиш ҳақида гапириб, кўрсатиб беради. Ўқитувчининг сўзи бу ерда **услуб** бўлиб ҳисобланади.

**Уялтириш - қизартириш.** Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-ҳаёдор. Одатда, ўзини ҳурмат қилган инсонда ор-номус, уят кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳисларни эҳтиёткорлик билан сингдириб бориш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизартиравериш ҳам ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага эришиши мумкин.

## **Ф**

**Фалсафий дунёқарашнинг**-дунёни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ёт нарсани аралаштирмай, муболағасиз тушунтиришдир.

**Фаолият** - инсоннинг эҳтиёжлари ва қизиқишларини қондиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари йиғиндисига айтилади.

**Фаолият мотивлари** - ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган муҳим бўлган психологик омиллар (сабаблар).

**Фаолият турлари**-психология фаолиятни ўйин, ўрганиш, меҳнат турларини қайд қилади.

**Ўйин** - шартли вазиятларда ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга қаратилган фаолият тури.

**Ўрганиш** - бу меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни мунтазам эгаллаш жараёнидир.

**Фаолиятнинг етакчи тури** — бола ҳаётининг муайян давридаги психик ривожланишини етарли даражада таъминловчи ҳамда кейинги тараққиётга асос бўлувчи фаолиятдир.

**Фаолиятда машқ қилиш**-меҳнат, ижтимоий фаолият, жамоадаги фаолият ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилгандир.

**Фасилитация** инглизча сўздан олинган бўлиб, «енгиллаштирмақ» деган маънони англатади.

**Фундаментал** — асосий, фундаментал

**Фуқаролик**-ҳуқуқий ўрни қонун йўли билан қафолатланган шахснинг давлат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъий назар, маълум бир давлатга қарашлилиги ҳолатидир.**Фуқароликнинг ижтимоий асоси** - янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, унда фуқароларнинг шахсий манфаати жамият манфаати билан кўшилиб, уйғунлашиб кетади.

**Фуқаролик тарбиясининг мақсади**-фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англаш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, ватан, жамият учун фидойи инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мақсади** -эркин, демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат ва жамият қуришдир.

## Х

**Халқ таълими тизими** - муайян мамлакатнинг ички ва ташқи камолотига таъсир кўрсатувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

**Хайрихоҳлик** — кишиларга очик кўнгилли бўлиш, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

**Характер** — шахснинг бошқа одамлар ёки инсонлар гуруҳи, ўз-ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади.

**Характер** — шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуи, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз-ўзига муносабатини ифодалайди. Характер имкониятлардан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг ким эканлиги.

**1. Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар** — меҳнатсеварлик, меҳнатқашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, кўнимсизлик ва бошқалар.

**2. Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар** — одоблилик, меҳрибонлик, такт, жонсараклик, дилгирлик, мулоқатга киришувчанлик, алтруизм, ғамхўрлик, раҳм-шафқат ва бошқалар

**3. Ўз-ўзининг муносабатига алоқадор тавсифий сифатлар** — камтарлик, камсуқумлилик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз ўзини танқид, ибод, шарму-хаё, манмансираш ва бошқалар

**4. Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар** — тартиблилик, оқиллик, саранжом-сариштатак., қўли очиклик, зикналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар,

**5. Муносабатлар ва йўналиш шахсдаги асосий кўринишлар сифатида** — бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлаши.

**Хотира** - ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг онгимиздаги аксидир.

**Хотирани машқ қилдириш** - масалан, дарслик ёки ўқув қўлланмасидан бирор бобни ўқиб, ўзлаштиришдан мақсад энг асосий шартларни, тушунча, таъриф, қоида, боғлиқлик ва шу кабиларни ажратишдан иборат бўлиши керак.

Такрорлаш мақсад эмас, баён қилинган моҳият, маъно-мазмунни тушуниш мақсад, яъни такрорлаш орқали тушунишга интилиш керак. Ўқувчи эслаб қолишни исташи керак. Агар шундай мақсад бўлмаса, натижа бўлмайди.

**Хулосалар** — мантиқий тафаккурнинг яна бир шакли бўлиб, улар фикрлар, ҳукмлар ва тушунчалар ўртасидаги боғланишдан янги бир фикрларни келтириб чиқаришни назарда тутди. Масалан:

1-ҳукм: Ўзбекистон — мустақил давлат.

2-ҳукм: Қирғизистон — мустақил давлат.

3-ҳукм: Қозоғистон — мустақил давлат.

4-ҳукм: Туркманистон — мустақил давлат.

5-ҳукм: Тожикистон — мустақил давлат.

Демак, барча Марказий Осиё давлатлари — мустақилдир.

**Хусусий методика** - маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилади

## Ц Ч

### Ш

**Шарҳ** - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

**Шахс** — муайян ижтимоий гуруҳнинг вакили бўлган, бирор фаолият тури билан шуғулланадиган, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўла оладиган, ўзига хос индивидуал — психологик хислатларга эга бўлган конкрет инсон.

**Шахс** — 1) кишиларнинг ижтимоий хулқи, инсонлар орасида ўзини тутишини акс эттирадиган руҳий сифатлари мажмуини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидаги кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

**Шахс динамикаси** — кишининг онтогенетик ривожланишини ўз ичига олган ҳолда субектнинг хусусиятлари ва сифатининг вақтга нисбатан ўзгариш жараёни.

**Шахснинг психологик хислатлари** - характер, темперамент, қобилият, кучли ҳиссиётлари ва мотивлари, шунингдек, психик жараёнларнинг кечиш хусусиятлари йиғиндиси (мажмуи).

**Шахснинг яқин муҳити** - оила, қариндошлар, ўртоқлар қиради.

**Шахсий фазилят** — шахс томонидан ўзининг ахлоқий, руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

**Шаъма** - болаларни муайян хатти-ҳаракатларга рағбатлантиришнинг яширин шаклидир. Шаъма илгари ишлатилган, яхши таниш бўлган талабларни, маъноси очиб берилмайдиган талабларни ўзига хос шартли қисқартиришидир.

**Шкалалаш** - аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштиради. Уларнинг турли услублари, тавсифлари қай бир миқдорий ўзгарувчиларга турлича айлантириш услубларидан иборат.

### Э

**Эвристика** — илмий тадқиқотнинг мантиқий усуллари ва методик қоидалари тизими.

**Электрон дарслик** - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб :

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мултимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

**Ўқув қўлланма** - дасрликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр.

**Электрон ўқув адабиёти** - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

**Эстетик баҳо** - шахснинг муайян ҳодиса ёки образга инсоният бутун тарихий ривожланиши жараёнида ҳосил қилган ва эстетик мулоҳазаларида ифодаланган эстетик қоидалар, ғоялар билан қиёслаш асосида баҳо бериш тушунилади. Эстетик баҳо теварак-атроф, воқеа-ҳодисаларга, санъат асарларидаги гўзаллик ёки қабихлик, даҳшатлилиқ ёки ҳазил-мутойибага мойиллик, ҳазилкашлиқ каби категорияларга таяниб, уларнинг эстетик қиммати образли акс эттиришнинг чуқурлиги ва яхлитлиги, муаллиф ижодий усулининг ёрқинлиги ҳақидаги фикрларни қамраб олади.

**Эстетик (жамиятнинг) маданият** - инсоният бутун ривожланиш тарихи жараёнида тўпланган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуи демакдир.

**Эстетик дид** - шахсда унинг шахсий ва ижтимоий хусусиятларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб ҳодисадир. Дид ўз табиатига кўра фақат шахсга оид аммо, шахс ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлганлиги учун, у эстетик баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилувчи ҳам субъектив, ҳам обектив меъёрларни ўзида бирлаштиради.

**Эстетик идеал** - бу шахснинг табиат, жамият ва санъатдаги мақсад тарзида идрок этадиган такомиллашган гўзаллик ҳақидаги ижтимоий баҳосининг акс этишидир.

**Эстетик идрок** - бу атроф воқелиқдаги буюмлар, ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс эттириш, идрок этилган нарсаларни шахсда мавжуд бўлган ҳиссий ва аклий нарсаларнинг ўзаро алоқаси билан ифодаланадиган эстетик мезонлар билан қиёслаш жараёнидир.

**«Экология»** - юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

**Эмоция (ҳиссиёт)лар** - атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини руҳан қандай қабул қилиб, уларга билдирадиган ҳиссий муносабатларимизни билдирувчи сифатларимиз бўлиб, улар айни вазиятлардаги реал ҳолатларимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.

**Эмпатия** - талаба ўрнида фикрлаш.

**Эмпирик** — тажрибага асосланган.

**Эмпирик босқич** — тадқиқот объекти тўғрисида ҳар томонлама тасаввур ҳосил қилиш, таълим амалиёти, илмий билимлар савияси ва ҳодисалар моҳиятига эришишга бўлган талаб ўртасидаги зиддият, илмий муаммони номлаш.

**Эстетик мулоҳаза**-шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи аклий ҳаракатида ифодаланади. Шахснинг эстетик мулоҳазаси чуқурлиги, такомиллашганлиги, мураккаблиги, юқори ёки пастлиги билан ажралиб

туради. эстетик мулоҳаза даражаси шахснинг хулқ-атвори ва билим савиясига, эстетик тажрибасига боғлиқдир.

**Эстетик онгни шакллантириш** - эстетик онг қирралари(тасаввур ва билимлар ҳажми, эстетик мулоҳаза ва баҳолаш) ни таркиб топтиришдан иборатдир.

**Эстетик онг** - ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида шаклланадиган ғоялар, назариялар, қарашлар, бадиий таълим ва тарбия натижасида шаклланади, эстетик онгнинг асосини эстетик идрок ташкил қилади.

Эстетик онг, эстетик идрок, билим, мулоҳаза, баҳс, эстетик идеални қамраб олади.

**Эстетик тарбия** — гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни пайқай олиш ва тушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

**Эстетик тарбия воситалари** - ўқувчиларни эстетик тарбиялаш мақсадида теварак-атрофдаги танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадиий ижоди ҳисобланади.

**Эстетик тарбия воситалари** - ўқувчиларни эстетик тарбиялаш мақсадида теварак-атрофдаги танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадиий ижоди ҳисобланади.

**Эстетик туйғу** - бу шахснинг буюм ёки ҳодисага эстетик баҳо бериш муносабатини субъектив бошдан кечиришдир. Эстетик туйғу ўқувчининг мазкур буюмнинг шакли, ранги ва мазмунидан маънавий лаззатланишда ёки аксинча нафратланишда ифодаланади.

**Эстетик фаолият** - кўникма, малака, ижодий қобилиятлар мавжудлиги билан тасвирланади.

**Эстетик фаолиятга ўргатиш** бу гуруҳ вазифаларини амалга оширилиши жараёнида педагог ўқувчиларни фаол эстетик ва бадиий фаолиятга жалб қилади, уларда эстетик ва бадиий идрокни ривожлантиради, бадиий ижрочилик фаолиятининг кўникма ва малакаларини шакллантиради, гўзалликни турмушга, табиатга, ўз қиёфасига киритиш кўникма ва малакаларини тарбиялайди.

**Эстетик эҳтиёж деб**, шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга бадиий фаолиятнинг аниқ бир турига ёки унинг хилма-хил турларига ундовчи субъектив омилларига айтилади. **Эстетик эҳтиёжлар** ва муносабатлар - шахснинг эстетик қизиқишлари, диди, эстетик ҳиссиётларида ифодаланади.

**Эстетик қизиқиш**-шахснинг эстетик фаолиятида, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ифодалашда кўринади. эстетик қизиқишнинг асосий белгилари ўқувчида эстетик фаолиятга интилиши, ўзи ёқтирган санъат асарларини йиғиб, тўплаб бориши, уларни такрор-такрор ўқиб, идрок этиши, улар ҳақида фикр билдиришга интилиши, бошқаларнинг шу масалага доир фикрини билишга қизиқиш, муайян санъаткор, жанр, йўналиш кабиларни афзал кўришда намоён бўлувчи, танлаш хусусиятининг мавжудлиги билан ифодаланади.

**Этиқод** — шахс амал қиладиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

**Эҳтиёж** — индивиднинг бирор нарса-ҳодисага муҳтожлиги ва кишининг руҳий қуввати ҳамда фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

**Эҳтиёж** — индивиднинг бирор нарса-ҳодисага муҳтожлиги ва кишининг руҳий қуввати ҳамда фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

**Эҳтимоллик** — тасодифийлик, педагогик ҳаётдаги ўзгаришларни аниқ айтиб бериш мумкин бўлмаган, эҳтимол кутилган жараён.

**Ю**

**Я**

**Якуний назорат** - бу назорат семестрлари учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитилиб бўлинган, ўтилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади.

**Ў**

**Ўз-ўзини баҳолаш-ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқиши-га** ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли даражада тайёрлаш мумкин. Бунинг учун иродали бўлиши, ўзининг ўқувчилик ижтимоий бурчини тушуниши, ўқиш ва тарбия олиш учун сабаблар, мотивлар асос бўлиши, яъни таҳсил ва тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқларининг, яқин кишиларининг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

**Ўз-ўзини ишонтириш ёки ўз-ўзига таъсир кўрсатиш** деб суггеренд ва суггесторликни бир киши бажаришига айтилади. Синонимлари: суггестия — (лотинча) ишонтириш. Омоними (турмушдаги): бажармаса қаттиқ жазолашни таҳдид қилиб буюриш.

**Ўз-ўзини баҳолаш** — шахснинг ўз психологик сифатлари, хулқи, ютуқлари ва муваффақитсизҳқлари, кадр-қиммати ҳамда, камчиликларини баҳолай олиши.

**Ўз-ўзини тарбиялаш** — 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолият; 2) шахснинг ўз жисмоний, рухий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш. ўқитиш - таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган ўқитувчининг фаолияти.

**Ўзлаштириш** - тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

**Ўйин** — фаолиятнинг бир тури бўлиб, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга ҳамда, ўз хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

**Ўрганиш** - бу меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни мунтазам эгаллаш жараёнидир. **Ўрганиш** - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

**Ўргатиш**—ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айлантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир. Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндисидир. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериши, тушунтириши, кузатиши лозим (синфда навбатчилик қилиш). **Ўргатиш** - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларини ўргатувчининг ўзи ўрганган даражада бошқаларнинг такрорлай олишини турли восита ва усулларни қўллаб амалга ошириш фаолиятдан иборат бўлган жараён.

**Ўқитиш** - 1) таълимнинг ўзига хос усули бўлиб, унда шахсга назарий ва амалий билимиар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) ўқувчи ва ўқитувчи, ўқувчининг бошқа ўқувчилар билан алоқаси натижаси ўлароқ атроф-

муҳит, унинг қонуниятлари, тараққиёт тарихи ва уларнинг ўрганилиш усулларини билишнинг мунтазам бошқарилиш жараёни.

**Ўқитишнинг амалий усуллари**- ёзма машқ, тажриба, лаборатория характеридаги машқлар, меҳнат топшириқларини бажариш кабилар мисол бўлади.

**Ўқитиш вазифаси** — таълимий, тарбиявий ва ривожланиш вазифалари.

**Ўқитиш методи**-таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолияти тушунилади.

**Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари**- ҳамкорликда ўқитиш модели; моделлаштириш; ўрганишнинг тадқиқот модели. Бу моделлар, асосан, ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб, уларни марказида ўқувчи турган таълим моделлари деб аталади. **Моделлаштириш** - реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини (моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи метод. **Ҳамкорликда ўрганиш модели** - ўқувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод. **Ўрганишнинг тадқиқот модели** - ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи метод.

**Ўқитиш турлари** — соқратча суҳбат методи, қолоқ таълим, изоҳлаш-намоёйиш этиш асосида ўқитиш, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, ўқув жараёнини алгоритмлаш, дифференциацияли ҳамда индивидуал таълим ва бошқалар.

**Ўқитишнинг тушунтирувчи тасвирий усуллари** - информатцион-ретцептив, информатцион-билдирувчи);

Информатцион-ретцептив усулининг моҳияти унинг қуйидаги аломатлари билан тавсифланади:

-билимлар талабаларга "тайёр" ҳолда тақдим этилади;

-ўқитувчи турли йўллар билан бу билимлар қабул қилинишини ташкил қилади;

-ўқувчилар билимларни қабул қиладилар (ретцепция) ва уларнинг

маъносига етадилар, ўз хотираларида сақлаб қоладилар.

**Ўқув-билиш фаолияти** — инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият.

**Ўқув дастури** - ҳар бир алоҳида фан учун тузилади. Дастур ўқув режасига асосланади. Дастурда фаннинг мазмуни, мавзу кет-макетлиги, иккинчи мавзу биринчисини тўлдириши, изчиллиги билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Ўқув дастурида мавзу мақсади қисқача изоҳланади. Ўқув дастури давлат томонидан тасдиқланган режа асосида бакалаврият, магистратура, лицей, гимназия, коллежларга алоҳида-алоҳида тузилади.

**Ўқув режаси** - давлат ҳужжатидир. Унга барча умумтаълим мактаблари сўзсиз амал қилади. Бу ҳужжатда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилади.

**Ўқув фаолияти** — шахснинг янги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш жараёни.

**Ўқитувчининг инновацион фаолияти** — социал ижтимоий педагогик феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш ҳамда, кундалик фаолиятдан четга чиқишдир.

**Ўқувчиларни касбга йўналтириш** - ўқувчи-ёшларга келажакда ўз касбларини аниқлаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш — техник тадбирларнинг асосланган тизими.

**Ўқувчиларда эстетик мойиллик** - эстетик ҳаяжон, эстетик муносабат ва қизиқишни таркиб топтириш, уларда эстетик мойиллик атроф-воқелик ва санъат асарларининг эстетик образлари йиғиндисининг тўплашни, уларда ҳиссий ҳозиржавобликни ривожлантириш; эстетик ҳис-туйғулар, эҳтиёж, дид ва муносабатларни ривожлантириш киради.

## **Қ**

**Қаноат** — маълум мақсадга эришиш ёҳда ижобий туйғу билан боғланган шахснинг психологик ҳолати.

**Қизиқиш** — шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналашининг онгли шаки.

**Қобилиятлар** — шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқларини таъминлайди ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

**Қоралаш ва жазо** (таъқиқлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, қойиш, айблаш, уялтириш, қўрқитиш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар).

## **Ғ**

**Ғайри ихтиёрийлик** - ташқи ҳолат ёки шахсий кайфиятлар таъсирида дастлабки ишончларга мойил киши хулқининг хусусияти.

## **Ҳ**

**Ҳайфсан бериш**-агар танбеҳ ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, ўқувчининг айби қай даражада ва унинг интизомни қандай шароитда бузганини эътиборга олиб, унга ҳайфсан эълон қилиш мумкин.

**Ҳалоллик** — шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгойлик билан сақлаш.

**Ҳасад** — ўзгаларнинг муваффақиятларини кўра олмасликдан келиб чиқадиган туйғу.

**Ҳикоя** - ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадий адабиётдан олинган аниқ мисолларга бой бўлган ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб меҳнаткаш кишилари, тарих, адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бадий адабиёт, радио, телевидения, газета ва журналлардаги мақолалар ҳам қимматли манба бўлади.

**Ҳукмлар** — атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Масалан, «Инсон онгли мавжудот» деган ҳукм-фикр «одам, инсон», «онг» ва «мавжудот» тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни ифодалаб турибди. Ана шундай ҳукмлар бизнинг нутқимизда ҳар куни жуда кўп ишлатилади ва улар табиатан турли боғлиқликларни ё тасдиқлайди, ёки инкор қилади, рост ёки ёлғон бўлади.

## **Я**

**Яхлитлик** — педагогик жараённинг синтезлашган сифати бўлиб, унинг олий даражадаги тараққиётини, унда фаолият кўрсатаётган субъектлар ҳамда, объектлар фаолиятини таъминловчи жараёндир.

**Яхлит педагогик жараён** - тарбия жараёнида таълим ва тарбия жараёнида тарбия беришнинг ўзаро сингиб кетган, яхлит ҳолга келган жараёни.

**Дедукция** - лотинча deducto – хулоса чиқариш деган маънони англатади. Дастлаб формал мантиқда умумийликдан хусусийлик, айримлик томон муҳокама юритиш дедукция деб аталган.

**Индукция** - лотинча сўздан олинган бўлиб, indicto – тўғрилаш, тартибга келтириш деган маънони англатади. Индукция айрим фикрлардан умумий хулосалар чиқаришда ва мантикий тадқиқотларда қўлланиладиган муҳокама усулидир.

**Суггестопедия.** Асосчиси болгариялик врач Лозанов. Бу таълим жараёни бир одам (ўқитувчи)нинг бошқаси (ўқувчи)га психик таъсир кўрсатишидан иборат. Бу усул чет тилларини жадал ўргатишда қўлланилади. Лекин бошқа фанларда ҳам қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

Лейпциг университети мнемология лабораториясида чет тиллари сифатида инглиз, рус тилларида 30 кунда 3200 лексик бирлик, кунига 120—140 лексик бирлик ўргатилади. Бу бошқа жадал ўқитишларга нисбатан 3 марта ортиқ.

**Суггестия** — таъсир кўрсатиш ишонтириш, мулоқот шаклида ўқувчи (суггеренд) таъсир кўрсатувчи, ишонтирувчи (ўқитувчи суггестор)нинг айтганларини пассив, ихтиёрсиз, ўйламасдан ўзлаштиради ва унинг топшириқларини мотивлар курашисиз бажаради.

**Ўз-ўзини ишонтириш ёки ўз-ўзига таъсир кўрсатиш** деб суггеренд ва суггесторликни бир киши бажаришига айтилади.

Синонимлари: суггестия — (лотинча) ишонтириш. Омоними (турмушдаги): бажармаса қаттиқ жазолашни таҳдид қилиб буюриш.

**Гипнопедия.** Уйқуда ўқитиш (кўпроқ чет тилларни). Бу усул ҳаммага ҳам тўғр келмайди. Сабаби ҳар ким учун бу усул алоҳида чуқурликдаги уйқу даражасидагина самара беради. Зарур уйқу чуқурликгига эришиш ва уни сақлаб туриш қийин.

**Тренер** - маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренинг машғулотларини олиб бориш (раҳбарлик қилиш) учун махсус тайёргарликка эга мутахассисни айтилади.

**Тренинг** - маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренерлар томонидан (раҳбарлигида) ўтказиладиган машғулотларга айтилади.

**Алгоритм** — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгилайган тартибини (қоидасини) билдиради.

**Ахлоқ** биринчидан, ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоидалар хатти-ҳаракатни тартибга солиш вазифасини бажаради. Жумладан, ахлоқ, адолат, саховат, ҳаловат, ҳалоллик, ростгўйлик каби тушунчаларни ўз ичига олади. У бизнинг кундалик ишларимизга ва онгимизга фаол таъсир кўрсатиб, жамият номидан яхшилик билан ёмонлик, зулм, адолат билан адоласизлик ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишларни, хатти-ҳаракатларни белгилаб беради.

**Вербал** -сўзлар билан ифодаланадиган ахборотлар. Вербал мулоқот шакллари ҳар хил бўлиб, уларнинг асосийлари нутқ сўзлаш, маъруза, суҳбатлашиш, савол сўраш, саволга жавоб бериш, баҳс, мунозара, музокара, хабар бериш, кенгаш, маслаҳат, насихат, танбеҳ, табрик, саломлашиш, хайрлашиш кабиларни ўз ичига олади. Бу жараёнда ўқувчилар диққатни жамлаш, тинглаш, эшитиш, англаш, тушуниш, идрок қилиш, мантиқий фикрлаш (таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш), хотирада сақлаш, қайта эслаш фаолиятлари билан банд бўладилар. Бунда ўқувчининг қизиқиши, ҳаваси, эҳтиёжи, манфаатдорлиги, қобилият, истеъдод, иқтидори унинг муваффақияти асоси бўлади.

Бу жараёнда ўқувчилар диққатни жамлаш, тинглаш, эшитиш, англаш, тушуниш, идрок қилиш, мантиқий фикрлаш (таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш), хотирада сақлаш, қайта эслаш фаолиятлари билан банд бўладилар.

**Новербал** воситалар имо-ишора, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Новербал воситалар жиддий аҳамиятга эга бўлиб; уларнинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди. "Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга бўлиб, бу ҳаракатлар турли халқларда турлича тушунилади. Бу ҳаракатларни новербал нутқ деб номлаш қабул қилинган.

**Визуал (кўргазмали) воситалар** педагогик технология жараёнида ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидага ёзув ва бошқа тасвирлар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фотосуратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвирлар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар кирилади.

Кўргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланиши ўқувчиларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.

**Ахлоқ**-Иккинчидан, ахлоқ ижтимоий фикр, онг билан жамиятда белгилаб қўйилган одамларнинг хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини, мажбуриятларни белгилаб беради. Ахлоқ одамларни жамиятдаги етук ахлоқий хулқ-атворининг намунаси бўлиб хизмат қилади. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Ахлоқ меъёр-лари хулқ-атворнинг бошқарувчиси сифатида одоб меъёрларига яқин туради. Ҳуқуқга зид хатти-ҳаракат ахлоқсиз ҳаракат деб қаралади.

Учинчидан, ахлоқ фалсафий категория бўлиб, ҳар бир шахс учун зарур бўлган ростгўйлик, камтарлик, ҳалоллик, олийжаноблик, меҳнатсеварлик, хушёрлик, инсонпарварлик каби фазилатларни шакллантиради.

Тўртинчидан, ахлоқ, ижтимоий қатламнинг, халқнинг маънавий қиёфаси, ғояси, руҳиятининг характерли хусусияти сифатида майдонга чиқади.

Ахлоқнинг энг асосий вазифаси фуқароликни шакллантиришдан иборатдир. «Энг муҳими,-деб ёзган эди В.А. Сухомленский, фуқароликни тарбиялашдир, чунки бу бутун тарбиявий ишларнинг мағзи, ўзаги ҳисобланади».

**Жамоатчилик ахлоқи.** Унинг асосий тамойили «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун», деган ғоядан иборатдир. У худбинлик, ўзини ва ўз манфаатини кўзлашни рад этади, умумхалқ жамоа ва шахсий манфаатларни ўзида уйғунлаштиради.

**Инсонпарварлик ахлоқи.** У меҳнаткаш инсонни улуғлайди, кишилар ўртасида чинакам инсоний ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини, шахсий ва ижтимоий ҳаётда хайрихоҳлик, ҳалоллик, софдиллик ва камтарликни қарор топтиради.

**Фаол таъсирчан ахлоқ.** У инсонни янги меҳнат ва ижодий зафарларга, тадбиркорликка, жамоа ва бутун мамлакат ҳаётида сидқидилдан иштирок этишга, янги турмуш тарзига зид бўлган барча нарсаларга фаол қарши чиқишга, миллий истиқлол мафқураси учун қатъият билан курашишга ундайди.

**Таксономия** ўрганилаётган объектнинг табиий алоқалари асосида тузиладиган кўп поғонали жойлаштиришдир.

Педагогикада америкалик олим Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси энг кўп тарқалган ҳисобланади. Бу таксономия қуйидаги тартибга эга:

**1. Билиш**-ўрганилаётган материални хотирада сақлаб қолиш ва қайта хотирлашни кўзда тутати. Бунда талаба ўзлаштирган материал мазмун моҳиятини англамайди.

**2. Тушуниш**-ўрганилаётган материални моҳияти англанади, хулоса чиқариш имконияти мавжуд бўлади. Тушуниш даражасининг кўрсаткичи сифатида материал моҳиятини изоҳлаб бериш, бошқа материаллар билан алоқадорлигини кўрсатиш кабилардан фойдаланилади.

**3. Қўллаш**-ўзлаштирилган далиллар, тушунча, билим ва иш усулларини амалиётга татбиқ этиш қобилияти.

**4. Таҳлил қилиш**-ўзлаштирилган яхлит ўқув материални қисмларга ажратиш, бу қисмларнинг даража ва ўзаро нисбатланни ўргатиш, қайтадан яхлитлик ҳосил қилишни кўзда тутати.

**5. Синтез**-ўзлаштирилган алоҳида-алоҳида материални умумлаштириб яхлит янги тузилма ҳосил қилишни кўзда тутати.

**6. Баҳолаш**-белгиланган мақсадларни эгалланган натижалар билан қиёслаш орқали амалга оширилганлиги сабабли энг юқори даража ҳисобланади. Ўқув мақсадларини белгилашда таҳсил олувчи талаба ўзини қандай ҳолатда тутиши лозимлиги **ифодаловчи сўз (фeъл)** ишлатиш зарурки, у мақсадни аниқ тушунилишини таъмин этсин. Бунинг учун ўз навбатида ҳар бир мавзуга оид таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш керак бўлади.

**I. Таълимий мақсад**-таҳсил олувчилар билими, кўникмаси ва малакасида қандай (ўсиш) юксалиш бўлишини кўзда тутати.

**II. Тарбиявий мақсад**-таҳсил олувчи шахсида қандай сифат ва фазилатлар таркиб топиши зарурлигини белгилайди.

**III. Ривожлантирувчи (мантикий) мақсад**-таҳсил олувчилар қандай мантикий операциялар ва ақлий фаолият усулларини ўзлаштиришлари ҳамда унинг ривожлантирувчи натижаларини кўзда тутати.

Таълим муассасининг ахлоқий тарбия соҳасидаги асосий вазифалари куйидагилардан иборатдир:

1. Ёш авлодни мунтазам суратда жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрларга риоя қилишга ўргатиб бориш.

2. Болаларнинг хулқида ижобий ахлоқий одатларни шакллантириш, уни ахлоқий тажрибалар асосида тарбиялаш

3. Ўқувчиларни ахлоқ тамойилларини эгаллаб олиш ва уларга амал қилишга ўргариш.

4. Мустақил юртимизнинг ҳар томонлама камол топган қурувчиларини вояга етказиш.

**Байналминаллик** - ахлоқ тамойили сифатида ватанпарварликни бойитади, ўз миллий қобиғига ўралиб қолишга йўл бермайди. Барча халқлар билан дўст бўлиб, тинчлик ва тараққиёт учун курашга чорлайди.

**Диалог** — ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир.

**Дунёқараш**-бизни ўраб олган борлиқ нима, у қандай ривожланган, табиатда инсон қандай ўрин тутади, унинг онги қандай пайдо бўлди ва камол топди жамиятнинг яралиш тарихи қандай, инсоният турмуш даражасини қандай қилиб яхшилаш мумкин ва шу каби масалаларга кишиларнинг турлича қарашлари, муносабатларидир.

**Тарбия**-ақлли, одобли, меҳнатсевар, билимли, соғлом, эътиқодли, дили пок, ҳар томонлама маънавий ривожланган, ватанпарвар, байналминал, инсонпарвар баркамол шахсни шакллантиришни кўзда тутади. Тарбия маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, миллий анъаналар ва минтақалараро хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

**Тарбиянинг асосий мақсади** - ҳар томонлама маънавий ривожланган, ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва методлари шу мақсадга эришишни кўзда тутади.

**Тарбия** ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама ўстириш, унинг онги ва хулқ-атворини таркиб топтириш жараёнидир.

**Тарбия** - маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

**Тарбия** - тарбиячи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчига сингдириш учун тарбияланувчининг руҳиятига муайян суратда маълум бир мақсадга қарата ва мунтазам суратда таъсир қилишдир.

**Педагогик талаб**-тарбия жараёнида бошланғич усул бўлиб, тарбияланувчининг муайян фаолиятини рағбатлантиришни ёки тўхтатишни ва аниқ амалий ҳамда инсоний сифатларни намоён қилишни таъминлайди.

Педагогнинг талаблари **воситасиз талаблар** бўлиши мумкин, бунда тарбиячи улардан муайян ҳаракатларга эришишни кутади.

Педагогнинг талаблари **воситали талаблар** бўлади, бунда ўқитувчи ўз талаблари билан болаларда ўз дўстларига нисбатан навбатдаги талабларни келтириб чиқаради.

**Воситасиз талабнинг** бу шакли яна шуниси билан фойдалики, у болаларни муайян вазиятларда, айниқса қийинчиликларда ўқувчилар билан маслаҳатлашишга ўргатади. Ўз навбатида педагоглар ўзларига болалар маслаҳат учун мурожаат қилишини қадрлашини, ўзаро алоқани кучайтиришга хизмат қилади.

**Шаъма** - болаларни муайян хатти-ҳаракатларга рағбатлантиришнинг яширин шаклидир. Шаъма илгари ишлатилган, яхши таниш бўлган талабларни, маъноси очиб берилмайдиган талабларни ўзига хос шартли қисқартиришидир.

**Илтимос** - у педагоглар билан ўқувчилар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга асосланади ва умумий ишда уларни ҳамкорлигини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. илтимос қилиш муомаланинг бошқа турларидан шу билан фарқ қиладики, ишни боланинг ўзи батамом ўз хоҳишига қўйиб беради.

**Ишонч билан талаб қилиш** - энг кучли тарбиявий воситадир. У инсон фаолиятининг қудратли омилларини ҳаракатга келтиради: ўзининг бошқа кишилар учун фойдали эканлигини ҳис қилиш, ўртоқлари ишончини оқлаш истагини пайдо қилади. Кўпинча бу - анча мураккаб ва масъулиятли, баъзан эса фахрли топширик бўлади.

**Маъқуллаш** муайян ҳолатга болалар фаолиятининг кучли омилига айланади. Баъзан тарбияланувчи алоҳида мураккаб вазифаларни ҳал қилишда қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади, педагогнинг маъқуллаши дастлабки қадамлардаёқ унинг муваффақиятини таъминлагандай туюлади, ўз кучига ишонч уйғотиб, бундан кейинги интилишлар манбайи бўлиб хизмат қилади.

**Монолог** — маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи-талабалар қаршисига чиқиб нугқ сўзлаши, дарсни баён этишидир.

**Модул** — педагогик технологияни ташкил қилувчи, таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи „ғиштча"лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчаларлан фойдаланилади. Улар куйидагича таърифланади:

**Кичик модул** — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас, деб ҳисобланади.

**Бирламчи модул** — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

**Модул тўплами** — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсадида битта модул сифатида қаралган бир нечта модуллар йиғиндиси.

**Модул даражаси** — педагогик технологияни тасвирлаш кўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлиги кўрсаткичи.

**Маслаҳат** - бу ҳамма нарсани ипидан игнасиғача тасвишлаб берадиган йўл-йўриқ эмас, балки кўпинча ечимларни мустақил излашга ундашдан иборатдир.

**Мотивация** — одамни ўқишга ёки бирор ҳаракатни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси. Салбий мотив — бу мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчининг ўқишга нисбатан бефарқлиги ҳамма ҳаракатимизни йўққа чиқаради.

**Тарбияни демократиялаш**-бу маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан шахснинг эҳтиёж ва қизиқишларини юқори кўйиш, демакдир. Бу тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир.

**Умуминсонийлик**-бу барча инсонга хос бўлган, унинг маданий ва миллий кўп қирралигидир, яъни, турли миллат вакилларига ҳурмат, турли динлар ва бошқа маданиятларни ўзига хослигини тан олиш, қадриятларни ҳурматлашни назарда тутади.

**Тарбия методи** тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари дир. Шахсни шакллантириш мақсади-да, боланинг онги, ҳис-туйғулари, иродаси, хулқ-атвори ва муносабатлари тизимига таъсир кўрсатиш учун тарбия методлари ишлатилади.

**Услуб**- ўқитувчи ўқувчиларга иш бўлиб беришдан олдин у парталар ва полни қандай қилиб артиш ҳақида гапириб, кўрсатиб беради. Ўқитувчининг сўзи бу ерда **услуб** бўлиб ҳисобланади.

**Тарбия воситалари**-бирон-бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ тарзда ҳал қилиш учун қўлланади. Яна ўқувчилар жалб қилинган фаолият турлари ҳам тарбия воситаси бўлиши мумкин. Кинофилмлар, санъат асарлари, ўқитувчининг жонли сўзи, болалар ўйини, меҳнат, спорт, бадиий ҳаваскорлик, ижтимоий ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари ҳисобланади.

**Халқ педагогикасида қўлланилган тарбия методларини**

1. **Тушунтириш** (ўрганиш, одатлантириш, машқ қилдириш).
2. **Намуна** (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшилиқлар ҳақида сўзлаш, ўрнатиб бўлиш).
3. **Насиҳат қилиш**, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, ташаккур билдириш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).
4. **Қоралаш ва жазо** (таъқиқлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, кўрқитиш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар).

**Намуна.** Ўқувчилар ўз атрофидаги кишиларда яхши ахлоқий сифатларни кўришлари, ўқитувчилари, ота-оналари, оиланинг катта ёшли аъзолари ва бошқаларнинг феъл-атвор, юриш-туришида болаларга етарли даражада намуна кўрсатишлари ниҳоятда муҳимдир.

**Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар:**

**Ҳикоя.** Ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисолларга бой бўлган ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб меҳнаткаш кишилари, тарих, адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бадиий адабиёт, радио, телевидения, газета ва журналлардаги мақолалар ҳам қимматли манба бўлади.

**Суҳбат** - Ўқувчи шахсини ғоявий ва ахлоқий шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли метод ҳисобланади. Суҳбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч уйғотишнинг суҳбат мазмунига бўлган муносабатларини ва суҳбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим.

**Суҳбат** жонли, оммавий, ишонарли бўлиши катта аҳамиятга эга. Суҳбат методи сифатида ўқувчиларнинг ҳаёти, фан ва техника, этика-эстетика ва бошқа соҳалардаги тасаввур ва тушунчалари доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Суҳбат самарасини ўқувчиларнинг ижобий ёки салбий жавобларига қараб билиш мумкин.

#### **Машқ ва ўргатиш методлари:**

**Педагогик талаб.** Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим методларидан биридир. Талаб турли вазифаларни бажариши, ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалаш, бирор-бир фаолиятда бажарилиши зарур бўлган аниқ вазифа сифатида ёки турли кўрсатма сифатида намоён бўлиши, муайян ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

**Топшириқ.** Ўқувчиларнинг меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умумишга сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис этишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш болани характери ва иродасини ўстиради.

**Ўргатиш**—ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айлантуриш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндисидир. Ўқитувчи бу ҳаракат-ларни кўрсатиб бериши, тушунтуриши, кузатиши лозим (синфда навбатчилик қилиш).

**Тарбия** амалиётида машқ қилишнинг турли хиллари мавжуд: **фаолиятда машқ қилиш**-кун тартиби машқлари, махсус машқлар.

**Фаолиятда машқ қилиш**-меҳнат, ижтимоий фаолият, жамоадаги фаолият ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилгандир.

**Кун тартиби машқлари** - мактабда, оилада ўрнатиладиган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ ўз истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади.

**Махсус машқлар** - маданий хулқ, малака ва кўникмаларини ҳосил қилади ва мустаҳкамлайди.

**Ўз-ўзини баҳолаш**-ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқиши-га ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли даражада тайёрлаш мумкин. Бунинг учун иродали бўлиши, ўзининг ўқувчилик ижтимоий бурчини тушуниши, ўқиш ва тарбия олиш учун сабаблар, мотивлар асос бўлиши, яъни таҳсил ва тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқларининг, яқин кишиларининг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

#### **Рағбатлантириш ва жазолаш методлари**

**Мактаблар тажрибасида рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари қўлланади:**

1. Ўқувчининг кучи етадиган, масъулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш; бунда ўқувчи ўз кадр-қиммати билан фахрланади;

2. Мақташ (ота-оналар, болалар жамоаси олдида);
3. Эсдалик совғаси (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар);
4. Мақтов ёрлиғи бериш;
5. Стипендия билан тақдирлаш;
6. Хурмат тахтасига фотосуратни қўйиш;
7. Маъсулият ва жамоанинг миннатдорчилиги;
8. Сафда биринчи ўринда туриш;
9. Мусобақаларда байроқ кўтариш;
10. Газета-журнал ва радио-телевиденияда эълон бериш.

**Жазолаш**-бу тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир.

Жазо ҳам ўқувчининг ва бутун синф манфаати учун қўлланадиган охириги тарбия методи. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо: уриш, калтаклаш мумкин эмас, болани қўрқитиш, ғазаблантириш ҳам яхши натижа бермайди, ўқувчи қўрққанидан ёл фон гапиришга ўрганади, иккиюзламачи бўлиб қолади.

Мактабларда қўллаши мумкин бўлган жазо чораларига куйида-гилар киради:

**Танбеҳ бериш** энг энгил жазо чорасидир. Ўқитувчи болага юзма-юз туриб танбеҳ беради, буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

**Огоҳлантириш**-номаъкул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

**Ҳайфсан бериш**-агар танбеҳ ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, ўқувчининг айби қай даражада ва унинг интизомни қандай шароитда бузганини эътиборга олиб, унга ҳайфсан эълон қилиш мумкин.

**Уялтириш - қизартириш.** Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-ҳаёдир. Одатда, ўзини хурмат қилган инсонда ор-номус, уят кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳисларни эҳтиёткорлик билан сингдириб бориш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизартиравериш ҳам ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага эришиши мумкин.

**Мифологик дунёқараш** табиат кучларини жонлантириб худолар, афсонавий қаҳрамонлар тарзида, бир хил буюмлар сифатини иккинчисига кўчириш, уларни ҳиссий образлар, алоҳида вужудлар шаклида тасвирлашга асосланади.

**Диний дунёқарашнинг** ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки табиатдан ташқарида худонинг кудратига кўникиб ҳамма нарсада ва ҳар ерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўжизавий куч бор деб тушунтиради.

**Фалсафий дунёқарашнинг** ўзига хос хусусияти, у дунёни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ёт нарсани аралаштирмай, муболағасиз тушунтиради.

**Илмий дунёқараш** ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида доим ворислик асосида ривожланади. Ўтмиш дунёқарашлари янги давр дунёқарашининг негизини ташкил этиб, уни керакли ҳаётбахш озуқа билан таъминлаб туради.

**Милий ғоя** - инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

**Мафкура** - муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

**Миллий истиқлол мафкураси**, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан баҳоладиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

**Фуқаролик деб** ҳуқуқий ўрни қонун йўли билан қафолатланган шахснинг давлат ичкарасида ёки ташқарисида бўлишидан қатъий назар, маълум бир давлатга қарашлилиги ҳолатига айтилади

**Фуқароликнинг ижтимоий асоси** - янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, унда фуқароларнинг шахсий манфаати жамият манфаати билан кўшилиб, уйғунлашиб кетади.

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мақсади** - эркин, демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат ва жамият қуришдир.

**Фуқаролик тарбиясининг мақсади**-фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англаш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, ватан, жамият учун фидойи инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир

Давлат рамзлари муайян миллат, элат этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ҳамда мақсадини, ҳудудий, сиёсий, ижтимоий бирлик моҳиятини ажратишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажбурийдир.

Ахлоқ биринчидан, ижтимоий онг шакллари билан бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоидалар хатти-ҳаракатни тартибга солиш вазифасини бажаради. Жумладан, ахлоқ, адолат, саховат, ҳаловат, ҳалоллик, ростгўйлик каби тушунчаларни ўз ичига олади. У бизнинг кундалик ишларимизга ва онгимизга фаол таъсир кўрсатиб, жамият номидан яхшилик билан ёмонлик, зулм, адолат билан адолацизлик ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбуи, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишларни, хатти-ҳаракатларни белгилаб беради.

Иккинчидан, ахлоқ ижтимоий фикр, онг билан жамиятда белгилаб қўйилган одамларнинг хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини, мажбуриятларни белгилаб беради. Ахлоқ одамларни жамиятдаги етук ахлоқий хулқ-атворининг намунаси бўлиб хизмат қилади. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Ахлоқ меъёрлари хулқ-атворнинг бошқарувчиси сифатида одоб меъёрларига яқин туради. Ҳуқуқга зид хатти-ҳаракат ахлоқсиз ҳаракат деб қаралади.

Учинчидан, ахлоқ фалсафий категория бўлиб, ҳар бир шахс учун зарур бўлган ростгўйлик, камтарлик, ҳалоллик, олийжаноблик, меҳнатсеварлик, хушёрлик, инсонпарварлик каби фазилатларни шакллантиради.

Тўртинчидан, ахлоқ, ижтимоий қатламнинг, халқнинг маънавий қиёфаси, ғояси, руҳиятининг характерли хусусияти сифатида майдонга чиқади.

Ахлоқнинг энг асосий вазифаси фуқароликни шакллантиришдан иборатдир.

**Жамиятнинг эстетик маданияти** - инсоният бутун ривожланиш тарихи жараёнида тўпланган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуи демакдир. Ўқувчи шахсининг эстетик маданияти унинг маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлади. Шахс эстетик маданиятининг асосий таркибий қисмлари эстетик онг, эҳтиёжлар, муносабатлар ва эстетик фаолиятлардир.

Эстетик онг, эстетик идрок, билим, мулоҳаза, баҳс, эстетик идеални қамраб олади.

**Эстетик эҳтиёжлар** ва муносабатлар - шахснинг эстетик қизиқишлари, диди, эстетик ҳиссиётларида ифодаланади.

**Эстетик фаолият** кўникма, малака, ижодий қобилиятлар мавжудлиги билан тасвирланади.

**Эстетик онг** ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида шаклланадиган ғоялар, назариялар, қарашлар, бадий таълим ва тарбия натижасида шаклланади, эстетик онгнинг асосини эстетик идрок ташкил қилади.

**Эстетик идрок** бу атроф воқеликдаги буюмлар, ходисаларнинг эстетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс эттириш, идрок этилган нарсаларни шахсда мавжуд бўлган ҳиссий ва ақлий нарсаларнинг ўзаро алоқаси билан ифодаланадиган эстетик мезонлар билан қиёслаш жараёнидир.

**Эстетик идрок** гўзаллик билан учрашганда юзага келади ва аниқ мақсадга қаратилганлиги билан изоҳланади. Тўлақонли эстетик идрок эстетик тушунчалар ва эстетик мулоҳазаларни шакллантириш билан биргаликда содир бўлади.

**Эстетик мулоҳаза**-шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи ақлий ҳаракатида ифодаланади. Шахснинг эстетик мулоҳазаси чуқурлиги, такомиллашганлиги, мураккаблиги, юқори ёки пастлиги билан ажралиб туради. эстетик мулоҳаза даражаси шахснинг хулқ-атвори ва билим савиясига, эстетик тажрибасига боғлиқдир.

**Эстетик баҳо** деганда шахснинг муайян ҳодиса ёки образга инсоният бутун тарихий ривожланиши жараёнида ҳосил қилган ва эстетик мулоҳазаларида ифодаланган эстетик қоидалар, ғоялар билан қиёслаш асосида баҳо бериш тушунилади. Эстетик баҳо теварак-атроф, воқеа-ходисаларга, санъат асарларидаги гўзаллик ёки қабихлик, даҳшатлилиқ ёки ҳазил-мутойибага мойиллик, ҳазилкашлиқ каби категорияларга таяниб, уларнинг эстетик қиммати образли акс эттиришнинг чуқурлиги ва яхлитлиги, муаллиф ижодий усулининг ёрқинлиги ҳақидаги фикрларни қамраб олади.

**Эстетик идеал** бу шахснинг табиат, жамият ва санъатдаги мақсад тарзида идрок этадиган такомиллашган гўзаллик ҳақидаги ижтимоий баҳосининг акс этишидир.

**Эстетик эҳтиёж деб**, шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга бадий фаолиятнинг аниқ бир турига ёки унинг хилма-хил турларига ундовчи субъектив омилларига айтилади.

**Эстетик қизиқиш**-шахснинг эстетик фаолиятида, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ифодалашда кўринади. эстетик қизиқишнинг асосий белгилари ўқувчида эстетик фаолиятга интилиши, ўзи ёқтирган санъат асарларини йиғиб, тўплаб бориши, уларни такрор-такрор ўқиб, идрок этиши, улар ҳақида фикр билдиришга интилиши, бошқаларнинг шу масалага доир фикрини билишга қизиқиш, муайян санъаткор, жанр, йўналиш кабиларни афзал кўришда намоён бўлувчи, танлаш хусусиятининг мавжудлиги билан ифодаланади.

**Эстетик дид** шахсда унинг шахсий ва ижтимоий хусусиятларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб ҳодисадир. Дид ўз табиатига кўра фақат шахсга оид аммо, шахс ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлганлиги учун, у эстетик баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилувчи ҳам субъектив, ҳам обектив меъёрларни ўзида бирлаштиради.

**Эстетик туйғу** бу шахснинг буюм ёки ҳодисага эстетик баҳо бериш муносабатини субъектив бошдан кечиришдир. Эстетик туйғу ўқувчининг мазкур буюмнинг шакли, ранги ва мазмунидан маънавий лаззатланишда ёки аксинча нафратланишда ифодаланади.

Ўқувчида эстетик идрок, билим, мулоҳазалар, баҳо, идеал, ҳис-туйғу, қизиқиш, эҳтиёж ва эстетик фаолиятга айланади, эстетик дид бирлиги, уни эстетик фаол бўлишга, ўз фаолиятини намоён қилишга тайёрлайди. У аста-секин теварак-атрофни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартиришга, гўзаллик яратишга ҳаракат қилади, чунки инсон гўзалликни нафақат мушоҳада этади, балки уни яратади ҳам.

**Бадий тарбия** деб шахсни санъат воситалари ёрдамида яъни санъат асарларининг мазмуни ва шаклини эстетик идрок этишни ривожлантиришга, санъатнинг маълум турида қатнашиш ва ижодий фаолият учун зарур бўлган бадий дид, ҳамда қобилиятларни шакллантиришга айтилади. Санъат турли эстетик шахснинг барча томонларига ҳиссий-эстетик таъсир этади ва уни бадий фаолиятнинг ҳар хил турлари билан таништиради.

**Ўқувчиларда эстетик мойиллик:** эстетик ҳаяжон, эстетик муносабат ва қизиқишни таркиб топтириш, уларда эстетик мойиллик атроф-воқелик ва санъат асарларининг эстетик образлари йиғиндисининг тўплашни, уларда ҳиссий ҳозиржавобликни ривожлантириш; эстетик ҳис-туйғулар, эҳтиёж, дид ва муносабатларни ривожлантириш киради.

**Эстетик онгни шакллантириш** - эстетик онг қирралари(тасаввур ва билимлар ҳажми, эстетик мулоҳаза ва баҳолаш) ни таркиб топтиришдан иборатдир.

**Эстетик фаолиятга ўргатиш** бу гуруҳ вазифаларини амалга оширилиши жараёнида педагог ўқувчиларни фаол эстетик ва бадий фаолиятга жалб қилади, уларда эстетик ва бадий идрокни ривожлантиради, бадий ижрочилик фаолиятининг кўникма ва малакаларини шакллантиради, гўзалликни турмушга, табиатга, ўз қиёфасига киритиш кўникма ва малакаларини тарбиялайди.

**Ўқувчиларда эстетик мойиллик:** эстетик ҳаяжон, эстетик муносабат ва қизиқишни таркиб топтириш, уларда эстетик мойиллик атроф-воқелик ва санъат асарларининг эстетик образлари йиғиндисининг тўплашни, уларда ҳиссий ҳозиржавобликни ривожлантириш; эстетик ҳис-туйғулар, эҳтиёж, дид ва муносабатларни ривожлантириш киради.

**Эстетик онгни шакллантириш** эса эстетик онг қирралари(тасаввур ва билимлар ҳажми, эстетик мулоҳаза ва баҳолаш) ни таркиб топтиришдан иборатдир.

**Эстетик фаолиятга ўргатиш** бу гуруҳ вазифаларини амалга оширилиши жараёнида педагог ўқувчиларни фаол эстетик ва бадий фаолиятга жалб қилади, уларда эстетик ва бадий идрокни ривожлантиради, бадий ижрочилик фаолиятининг кўникма ва малакаларини шакллантиради, гўзалликни турмушга, табиатга, ўз қиёфасига киритиш кўникма ва малакаларини тарбиялайди.

**Эстетик тарбия воситалари** - ўқувчиларни эстетик тарбиялаш мақсадида теварак-атрофдаги танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадий ижоди ҳисобланади.

**Иқтисодий тарбия** ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу қабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтиришдир.

**Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади** - ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни табиий соғлом ўсишини таъминлаш, уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, ватан муҳофазасига тайёрлашдир.

Педагогик тушунчада жисмоний камолот инсондаги жисмоний маиумотнинг ўсиши борасидаги ўзгаришлар, яъни оддийдан мураккабга, пастдан юқорига, **номукамалликдан мукамалликка томон бўлган ўзгаришлар тушунилади.**

**Жисмоний жазо**-ўқувчидаги хулқий камчилик ёки бирон-бир ноахлоқий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Жисмоний жазога очлик эълон қилиш ҳам қиради. Бизнинг мактабларимизда жисмоний жазо бекор қилинган.

**Касбга йўналтириш**-ҳар бир шахснинг алоҳида фазилатларини мамлакат халқ хўжалигининг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, меҳнат бозорини тўлақонли таъминлаш заруратини ҳисобга олиб эркин ва мустақил касб танлашга тайёрлашга асосланган тизимдир.

«**Экология**» - юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

**Оилавий тарбия деганда** ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида илмий дунёқараш асослари, ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига айланади. Бунда ижтимоий ва маънавий ҳаёт таъсирида оиланинг ўзи ҳам янгилашиб бораётганини эсдан чиқармаслик лозим.

Тинч-тотув яшайдиганларнинг оилаларидаги болалар шу оилада мавжуд бўлган ахлоқий хислатлар; хушмуомалалик, одоблилик, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик қилиш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, айниқса аёлларга нисбатан кўрсатиладиган ғамхўрлик каби ижодий фазилатлардан намуна олиб, вояга етадилар.

**Гуруҳ**—маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир. Содда қилиб айтадиган бўлсак, гуруҳ — икки ва ундан ортиқ одамлар ўзаро муомала қиладиган ва бир-бирларига таъсир қиладиган уюшмадир.

**Референт гуруҳ** - Ҳар бир шахс учун тараққиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гуруҳи бўладими, у уларнинг ниятлари, қизиқишлари, ҳаракат меъёрлари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, ҳаракатларидан андоза олади, уларга тақлид қилади. Бундай гуруҳ психологияда референт гуруҳ деб аталади.

**Норматив гуруҳлар** — бу шахс учун шундай инсонлар гуруҳи, уларнинг меъёрларини у маъқуллайди, уларга амал қилишга ҳамиша тайёр бўлади. Бундай гуруҳларга биринчи навбатда оилани, диний ёки миллий уюшмаларни, профессионал гуруҳларни киритиш мумкин.

**Қиёслаш гуруҳлари** — бу шундай гуруҳки, шахс ўша гуруҳга киришни, унинг маъқуллашига муҳтож бўлмайди, лекин ўз ҳаракатларини йўлга солишда унга асосланади ва коррекция қилади.

**Негатив гуруҳлар** — шундайки, шахс уларнинг хатти-ҳаракатларидан атайлаб воз кечади, чунки улар шахсий қарашлардан мутлоқ фарқ қилади. Масалан, икки қўшни бир-бири билан муросалари келишмаса, ҳаттоки, деворларини оқлашда ҳам

бири танлаган рангни иккинчиси танламайди. Биринчи «оқ» деса, иккинчиси — аксинча, «қора» деб тураверади.

**Агрегатция (оломон)** - масалан, агар одамлар кўчада тасодифий ҳодисани томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гуруҳ эмас, агрегатция (оломон) деб аташади.

**Бирламчи гуруҳ** – бу гуруҳда шахслараро ўзаро таъсир «юзма-юз, бевосита» рўй беради.. Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гуруҳга мисолдир.

**Иккиламчи гуруҳлар**- бу гуруҳларда ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиш имкониятлари бўлмайдилар. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тазимлар орқали мулоқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар, «Фидокорлар миллий демократик партияси» аъзоларининг боғлиқлиги иккиламчи гуруҳга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади, масалан, ўша партияни оладиган бўлсак, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, бари бир умумий ғоя атрофида бирлашишади, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади, сайлов олди кампанияларида бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турадилар.

**Расмий гуруҳдаги** муносабатлар расмий меъёрлар ва ҳуқуқ бурчлар тизими билан белгиланган бўлади. Масалан, гуруҳда бошлиқ билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни таъминловчи гуруҳ расмийдир.

**Норасмий гуруҳ** — ички, бевосита психологик муносабатларни таъминловчи гуруҳ ҳисобланади. Масалан, дўстлар гуруҳи, ёки талабалар гуруҳидаги барча кизларнинг танаффус пайтидаги мулоқот гуруҳи.

**Диадани** - кўпчилик олимлар гуруҳнинг бошланғич нуқтаси сифатида микдор жиҳатдан икки кишини — диадани тан олишади.

**Триада**- Поляк олими Ян Шепаньский бунга кўшилмасида (унинг фикрича гуруҳ камида уч киши — триададан бошланади).

Гуруҳнинг уюшганлиги ҳам динамик кўрсаткичлардан бўлиб, шу нуқтаи назардан ҳар бир гуруҳ бир-биридан фарқ қилади. Масалан, одамлар ҳамкорликда бажараётган ишнинг қизиқарли ва ҳамма учун манфаатли эканлиги, гуруҳ меъёрларининг аъзолар томонидан умуман олганда қабул қилиниши, кадриятлар тизимини тасаввур қилишдаги фикрлар мослиги уюшқоқликнинг мезонларидир.

**Ижтимоий психологик муҳит** деганда, биз ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолатни тушунаимиз.

**Социометрия** Ижтимоий психологияда психологик муҳитни экспериментал тарзда ўрганишга катта эътибор берилади. Энг кенг тарқалган усуллардан бири социометрия бўлиб, унинг асосчиси америкалик олим Жон Морено ҳисобланади. Социометрия латинча «so cietas» — жамият, ва «metreo» — ўлчайман сўзларидан олинган бўлиб, гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўлчашга қаратилган техникадир.

**Фасилитация** инглизча сўздан олинган бўлиб, «енгиллаштирма» деган маънони англатади.

**Конформизм** — шахснинг гуруҳ ёки кўпчиликнинг таъсирига берилишини тушунтирувчи ҳодисадир. Ушбу ҳодисани экспериментал тарзда ўрганган олимлар

уни айрим алоҳида олинган шахснинг гуруҳда қабул қилинган ҳаракат қоидаларига бўйсунishi туфайли ўз хулқининг ўзгаришини изоҳловчи ҳолат, деб таърифлашган.

**Лидер** гуруҳнинг шундай аъзосики, у гўёки барча гуруҳий жараёнларнинг бошида туради ва ўз хулқи билан ўзгаларга таъсир қила олади.

**Авторитар лидер.** Баъзан бу услубни «автократик» ҳам деб аташади. Чунки бундай лидер доимо ўз иродасига кўпчиликни бўйсундира олади. Барча масъулиятли қарорлар фақат у томонидан қабул қилинади ва унинг бажарилишини ўзи шахсан назорат қилади, керак бўлса, ходимларни қаттиқ жазолайди. Одамлар бундай лидердан борган сари узоқлашиб бораверадилар.

**Демократик лидер.** У гуруҳ аъзоларидан фикрлар тўплайди Ташаббус кўрсатишлари учун барча шароитларни яратади. Демократ лидер гуруҳ олдида умумий масалани кўяди, ишнинг концепциясини белгилайди, лекин ишни қандай амалга ошириш йўлларини гуруҳнинг аъзолари ҳал қилишлари лозим.

**Либерал типли лидер.** Бундай шахс гуруҳга барча масъулиятни юклайди, улар ишни бажараётганда мувофиқлаштирувчи ролини ўйнайди, лекин қабул қилинган қарорларни тузатиш, уларни рад этиш ҳолатлари жуда кам учрайди.